

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

**“Сув хўжалигини бошқариш ва
унинг иқтисодиёти” факультети**

**«Сув хўжалиги иқтисоди»
кафедраси**

Ҳимояга рухсат этилсин
Кафедра мудири
_____ С.Умаров

«_____» _____ 2013 йил

Бакалавр даражасини олиш учун
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Сув хўжалиги ташкилотларида инновацион
фаолликни ошириш йўллари”**
***(Аму-Қаиқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси
материаллари асосида)***

Бажарувчи:

М.Маматқулов

**Битирув малакавий
иши раҳбари**

С.Умаров

Тошкент – 2013

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

Ҳимояга рухсат этилсин
Кафедра муdiri
_____ **С.Умаров**
«_____» _____ **2013 й.**

Битирув малакавий иши учун Топширик

Талабанинг фамилияси, исми, шарифи: **Миржалол Маматқулов**

1. Битирув (малакавий) ишининг мавзуси: Сув хўжалиги ташкилотларида инновацион фаолликни ошириш йўллари (Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси материаллари асосида). Мавзу институт ректорининг 2012 йил 27 ноябрдаги 636/т-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

2. Тайёрланган битирув малакавий ишини топшириш муддати: 3 июн 2013 йил.

3. Битирув иши учун берилган маълумотлар: Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг статистик маълумотлари ва ҳисоботлари.

4. Ҳисоблаш тушунтириш ёзувининг мазмуни: БМИда кириш, объектнинг табиий-иқтисодий шарт-шароитлари, асосий қисм, ҳуқуқий қисм, ҲФХ қисми, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда интернет материаллари келтирилиши лозим.

5. Чизма материалларнинг номлари (чизма номлари аниқ кўрсатилиши лозим): Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг ташкилий тузилмаси

6. Лойиҳа қисми бўйича маслаҳат берувчилар

Қисм	Маслаҳатчи	Имзо	Сана
		топширик берди	топширик олди
Асосий қисм	С.Р.Умаров		
Ҳуқуқий қисм	С.Р.Умаров		
ҲФХ бўлими			

7. Топширик берилган вақт: 14 декабр 2012 йил.

Раҳбар

С.Умаров

Топширик олди

М.Маматқулов

ТАҚВИМИЙ РЕЖА

№	Битирув малакавий ишининг қисмлари	Қисмларни бажариш муддати	Изоҳ
1.	БМИ структурасини тузиш ва маълумотлар йиғиш	17.12.12-22.12.12	
2.	Кириш	21.01.13-28.01.13	
3.	Объектнинг табиий-иқтисодий шарт-шароитлари	29.01.13-4.02.13	
4.	Асосий қисм бўлимларини тайёрлаш	5.02.13-4.05.13	
5.	1-бўлим	5.02.13-23.02.13	
6.	2-бўлим	25.02.13-16.03.12	
7.	3-бўлим	18.03.13-6.04.13	
8.	4-бўлим	8.04.13-4.05.13	
9.	Ҳуқуқий қисм	6.05.13-11.05.13	
10.	ХФХ бўлими	13.05.13-18.05.13	
11.	Хулоса ва таклифлар	20.05.13-23.05.13	
12.	Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш	24.05.13-27.05.13	
13.	Мавзу бўйича интернет маълумотлари	28.05.13-30.05.13	
14.	БМИни расмийлаштириш	31.05.12-3.06.12	

Талаба

М.Маматқулов

Раҳбар

С.Умаров

М У Н Д А Р И Ж А:

	бет
Кириш	4
Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг ташкилий-иқтисодий таснифи	6
Асосий қисм	9
1. Сув хўжалигини инновацион асосда ривожлантиришнинг назарий асослари	9
2. Сув хўжалиги тармоқларига инновацияларни жорий этилиш ҳолатининг таҳлили	23
3. Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси фаолиятининг ҳозирги ҳолати	34
4. Сув хўжалиги ташкилотларида инновацион фаолликни ривожлантириш истиқболлари	43
Сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари	61
Ишлаб чиқариш жараёнида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	65
Хулоса ва таклифлар	71
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	74
Мавзу бўйича интернет материаллари	77

КИРИШ

Маълумки, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг асосий қисми - 4,2 млн. гектари суғориладиган ерлардан иборат бўлиб, етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 90 фоизи мана шу ерлар ҳиссасига тўғри келади.

Суғориладиган ерлардан мўл ҳосил олиш учун замонавий ирригация ва мелиорация тармоқларини қуришни тақозо этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «... 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар тизимининг изчил амалга оширилишига – яъни, экин майдонларининг мелиоратив аҳволини яхшилаш, фаолият кўрсатаётган ирригация-мелиорация объектларининг тегишли техник ҳолатини таъминлаш, ихтисослашган сув хўжалиги, қурилиш ва эксплуатация ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий техника билан жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш даркор» (45-46 б.).

Республикамизда бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиши иқтисодиётимизнинг барча жабҳалари сингари сув хўжалигида ҳам туб бурилишлар ясади. Бу эса сув хўжалигида таркибий ўзгаришлар, янгича бошқарув тизимининг шаклланиши, янги техника ва технологияларини кириб келиши, ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиниши ва ижобий натижаларни бериши билан кўзга яққол ташланади.

Мамлакатимизда ирригация тизимларини кўп йиллардан бери маъмурий-ҳудудий принцип асосида вилоятлар ва туманлар бўйича бошқаришга асосланиб келинган эди. Бироқ, амалдаги ушбу тизим мамлакатимизда сув ресурсларининг чекланганлиги ва унга бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги боис бугунги кун талабига жавоб бермай қўйди.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги фармони билан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига ирригация тизимларини ҳавзалар бўйича бошқариш принциплари асосида ер усти сув ресурсларининг давлат бошқарувини амалга ошириш ва барча даражаларда сувдан фойдаланишнинг бозор принципларини жорий этиш вазифаси юклатилди. Ушбу Фармонга асосан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги 320-сонли қарори билан ирригация тизимларини бошқариш маъмурий-худудий принциpidан ҳавза принциpigа ўтказилди.

Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (ИТХБ)нинг ташкилий-иқтисодий таснифи

Қашқадарё вилояти Ўзбекистоннинг жанубида, Қашқадарё дарёсининг водийсида жойлашган. Вилоят маъмурий жиҳатдан ғарбдан Бухоро вилояти, шимолдан Самарқанд вилояти, шарқдан Тожикистон Республикаси ва Сурхондарё вилояти, жанубдан Туркменистон Республикаси билан чегараланади.

Вилоят ҳудудий жиҳатдан 13 та маъмурий туманга бўлинади, шундан 12 та туманда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати кузатилади. Географик нуқтаи-назардан вилоят икки қарама-қарши минтақага бўлинади:

1. Қашқадарё дарёсининг пастки дат минтақаси.
2. Қашқадарё дарёсининг юқори тоғ олди ва тоғ минтақасига.

Кўрсатилган минтақалар ўзаро ёғингарчилик миқдори, ҳаво ҳарорати ва намлиги бир-биридан кескин фарқи билан ажралиб туради. Вилоят иқлими кескин ўзгарувчандир, яъни қиши совуқ, ёзи иссиқдир.

Қашқадарё вилоятида 514,5 минг га майдонда қишлоқ хўжалиги экинлари экилади. Суғориладиган майдонларни сув билан таъминлаш, энергетика, саноат, ичимлик ва коммунал эҳтиёжлар учун талаб этиладиган сувнинг 75 фоизи Амударёдан 78 км узунликдаги 132 м баландликка кўтариб берувчи КМК насос станциялари каскади Миришкор ва Қарши магистрал каналлари орқали, 5 фоизи Зарафшон дарёсидан Эски-анҳор канали орқали етказиб берилади. Қолган 20 фоиз сув Қашқадарё ва унинг ирмоқлари орқали таъминланади.

Амударёдан Қарши магистрал канали, Миришкор канали ва Таллимаржон сув омборига сув етказиб беришда 7 кўтармали ҳар бирида 6 донадан 36 м³/с сув чиқарувчи Қарши магистрал канали насос станциялари хизмат қилади.

Бундан ташқари истеъмолчиларга сув беришда Қашқадарё, Танхоздарё, Жиннидарё, Оксувдарё, Катта-кичик Урадарё, Ғузордарё, Яккабоғдарё,

Қумдарё, Лангардарё дарёлари ва қатор сойлар хизмат қилади. Суғориш мавсумида кафолатли сув билан таъминлаш мақсадида вилоятда 13 та сув омборлари барпо этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилдаги 320-сонли қарорига асосан сув хўжалигини бошқаришда маъмурий ҳудудий принципдан ҳавза принципига ўтилган. Бунга кўра маъмурий ҳудудий принцип даврида 18 та сув хўжалиги ташкилотлари сув хўжалигини бошқаришда фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирда вилоятда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги буйруқ ва тегишли кўрсатмаларига асосан Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси фаолият кўрсатмоқда. Уни бошқаришни ташкилий тузилмаси 1-чизмада келтирилган.

Чизмадан кўриниб турибдики, Аму-Қашқадарё ИТХБ таркибида «Қашқадарё» магистрал тизими бошқармаси, «Миришкор» ирригация тизими бошқармаси, Қарши магистрал канали ирригация тизими бошқармаси, «Оқсув» ирригация тизими бошқармаси, «Яккабоғ-Ғузор» ирригация тизими бошқармаси, Аму-Қашқадарё ИТХБ қошидаги Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси, Аму-Қашқадарё ИТХБ қошидаги Гидрогеология мелиоратив экспедицияси киради.

Бундан ташқари Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармаси, Таллимаржон сув омбори, Ҳисорак СОФБ, Чимкўрғон СОФБ, Пачкамар СОФБ, Зарафшон ИТХБга қарашли Эскианҳор ИТБлар ҳам Аму-Қашқадарё ИТХБ таркибига киради.

Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг юридик манзили: 730004, Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 81-а уй.

1. Сув хўжалигини инновацион асосда ривожлантиришнинг назарий асослари

Маълумки, агросаноат мажмуасининг энг муҳим таркибий қисмларидан бирини сув хўжалиги тармоғи ташкил этади. Агар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида сув ресурсларининг аҳамияти ва ўрни ҳамда суғориладиган деҳқончиликдаги унинг аҳамияти ҳисобга олинса, сув хўжалиги тизимини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги ўрни бекиёс даражада муҳимлиги намоён бўлади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз иқтисодиётидаги бир қанча тармоқ бўғинларини, объектларини ва корхоналарини ўз таркибига олувчи йирик замонавий сув хўжалиги мажмуаси таркиб топди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқларининг сув ресурслари билан таъминланганлиги 5 та ҳудудий ва 53 ички республика сув омборларига (умумий ҳажми 16 млрд. куб. м), умумий узунлиги 192 минг км бўлган магистрал каналларга боғлиқдир. Коллекторли дренаж тармоқларининг узунлиги 149 минг км ни, шунингдек, ёпиқ горизонтал тўр 37,2 минг км ни ташкил этади. Сувни олиб ўтувчи трактларнинг узунлиги 31,1 минг км ни ташкил этади. Тармоққа эксплуатацион бирлашмалар, қурилиш трестлари, илмий, лойиҳавий ва олий ўқув юртлари, транспорт ташкилотлари, индустрия заводлари ва саноат ташкилотларига эга.

Сув хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг пировард самарадорлигини баҳолаш жараёнида, энг аввало сув хўжалиги тизимини таркибий тузилмаларини назарий жиҳатдан ўрганиш, уларни ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда инновацион асосда ривожлантиришнинг назарий жиҳатларини тадқиқ этиш заруриятини юзага келтирди.

Сув хўжалиги тизимини модернизациялаш ва инновацион асосда ривожлантириш тармоқга инвестицияларни жалб этиш, ташкилий-иқтисодий асосларини ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқишда, энг

аввало сув хўжалиги тизимининг шаклланиши ва ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳамда ривожланиш босқичларини таҳлил қилиш талаб қилинади. Чунки, ривожланишнинг узоқ босқичини босиб ўтган бу йирик мажмуанинг таркибий тузилмаси бўйича ягона фикр мавжуд эмас, яъни «Сув хўжалиги мажмуаси» тушунчасини қатор мутахассислар турлича талқин қилганлар. Мисол учун аксарият илмий адабиётларда сув хўжалигига “.... сув иншоотлари ва уларни эксплуатация қилишда хизмат кўрсатувчи субъектлар киритилган” бўлса иккинчи гуруҳ олимлар эса “... сув хўжалиги деганда ер усти ва ер ости сувларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳамда халқ хўжалигида сувдан талофот кўришга қарши кураш бўйича тадбирлар мажмуи» деб талқин қиладилар. Учунчи гуруҳ иқтисодчи олимлар, хусусан А.Ғофуров, Абдуллахоновнинг фикрича эса, сув хўжалиги мажмуаси кенг маънода, “...сув хўжалиги иншоотлари, сув хўжалигини бошқариш тизими ва сувдан фойдаланувчи субъектларнинг қўшилган тизими”дан иборатлиги қайд этилади.

Замонавий сув хўжалиги тизимининг фаолияти минтақада сув ресурслари таъминоти ҳамда сувга бўлган талабнинг тебраниб туриши ва барқарор эмаслиги жиҳатидан мураккабдир. Бу албатта бир қанча объектив ва субъектив сабаблар билан изоҳланади. Булардан бири, сув истеъмолчилари ўртасидаги собиқ умумиттифоқ сув тақсимооти тизими бугунги кунда давлатлараро тизимга айланганлигидадир.

Ўзбекистон Республикаси “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг 2-1 моддасида сув хўжалигига берилган тушинчада қуйидагича таърифланган “Сув хўжалиги – иқтисодиётнинг сув ресурсларини ва сув объектларини ўрганиш, ҳисобга олиш, бошқариш, улардан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, шунингдек сувларнинг зарарли таъсирига қарши курашишни қамраб олувчи тармоғи” ҳисобланади.

Шу билан биргаликда иқтисодиётнинг ҳар бир иерархик тизими қуйи тизимлар мажмуасидан ташкил топади. Қуйи тизим ҳам мураккаб ва ўзига хос бўлиши билан бирга фаолият юритиши бўйича мустақил ҳисобланади.

Бундан ташқари қуйи тизимлар мақсадларининг умумлашмаси сув хўжалиги тизимининг умумий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, сув хўжалиги қуйи тизимининг мақсади «Сув хўжалиги тизими» мақсадларига зид келмаслиги лозим.


Умуман ҳозирда, бизнингча республикамиз сув хўжалиги тизими учта таркибий тузилмалар, яъни ирригация, мелиорация ва қуйи тизимларни ўз ичига олади. Бунда ирригация тизими таркибига асосий сув манбаларини, жумладан дарёлар ва сув омборлари, гидротехник иншоотлар ва каналларни, мелиорация тизимига дренаж (зовурлар), коллекторлар, ташлама иншоотлар ва сув қабул қилгичлар киради.

Сув хўжалиги қуйи тизими эса бутун сув хўжалиги мажмуасининг сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчиларига сув хўжалигининг асосий воситалари ёрдамида ирригация ва мелиорация хизматлари кўрсатади (2-чизма).

Қуйи тизим корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматлар майдон бирлигига нисбатан сув хўжалиги асосий фондлари билан таъминланганлиги билан белгилаб беради. Фондлар билан жиҳозланганлиги эса сувни тўғри тақсимлашдаги техник имкониятлари ва сув ресурсларини бошқариш самарадорлигини белгилаб беради. Натижада бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигига ўз таъсирини ўтказади. Шу билан бирга, фонд билан жиҳозланганлик даражасининг ошиши капитал маблағларининг қисқариши ва уларни сақлаш ва таъмирлашга эксплуатацион сарфлари билан боғлиқ харажатларни камайтиради. Шу сабабли ҳар бир аниқ минтақа учун фонд таъминланганлиги, унинг оптимал, энг маъқул миқдорини аниқлаш сув ва қишлоқ хўжалиги корхоналари учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Сув хўжалиги асосий фондлари таркибига: барпо этилган иншоотларининг ҳамма турларига эга каналлар, тўғонлар, дамба-кўтармалар, гидро электирик ва насос станциялари, гидромеханик ва электромеханик жиҳозлари, ёмғирлатувчи ва суғориш жиҳозлари, очик новлар, қувурлар,

горизонтал ва вертикал дренажлар (ер ости дренаж қувири), қурилиш машиналари, транспорт ва алоқа воситалари, меъёрлаш ускуналари, геодезик асбоблари; ишлаб чиқариш ва турар жой бинолари ва узоқ муддат фойдаланилган ишлаб чиқаришга оид бошқа воситалар киради.



2-чизма. Сув хўжалиги тизими объектларини ташкил этувчилар таснифи.

Таъкидлаш жоизки сув хўжалиги тизимида мелиорация объектлари алоҳида ўринга эга бўлиб улардан оқилона фойдаланиш тизим фаолиятининг умумий кўрсаткичларига катта таъсир ўтказди. Мелиорация объектлари сифатида - коллектор-дренаж ва ер усти ташлама сувларини тўплаш ҳамда уларни суғориладиган ерлардан ташқарига чиқариб ташлашга кўмаклашадиган, коллекторларни ва коллектор-дренаж тармоғини, вертикал дренаж кудукларини, мелиорация насос станцияларини (агрегатларини) ва кузатув тармоғини ўз ичига оладиган сув хўжалиги объектларини қайд этиш мумкин.

Мелиоратив фаолият билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларда мелиоратив фондлардан самарали фойдаланиш талаб этилади. Мелиоратив фондлардан фойдаланиш жараёнида режалаштириш, лойиҳалаштириш ва ишлатишга оид тадбирларни амалга ошириш жараёнида уларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

биринчи – мелиоратив ишларга капитал маблағларининг чекланганлиги ва улардан бошқа мақсадларда фойдаланиб бўлмайди. Улар ҳаракатчан эмас ва ўз жойини ўзгартира олмайди. Шу сабабли мелиоратив фондларнинг ликвидлилик даражаси жуда паст;

иккинчи – мелиоратив фондларнинг аксарият қисми узоқ муддат хизмат қилади. Шу сабабли улардан фойдаланиш жараёнларини лойиҳалаштиришда ва амалга оширишда ҳисобга олиниши ва бу борада қабул қилинган қарорлар илмий ва амалий жиҳатдан асосланиши лозим;

учинчи – ташкил этиладиган мелиоратив фондлар учун давлат бюджети томонидан маълум миқдорда молиявий маблағлар ажратилади. Бу ҳол қўйиладиган капитал маблағлари ва уларнинг самарадорлигини иқтисодий жиҳатдан асослаб берилишини талаб қилади;

Таъкидлаш лозимки, мелиоратив қурилиш ва фондлардан фойдаланиш илмий-техник тараққиёт таъсирида ривожланади. Шунинг учун ҳам сув

хўжалигини ривожлантиришда илмий-техника ютуқларини жорий этилиши даражаси билан белгиланади.

Сув хўжалиги тизимида илмий-техника тараққиётини бошқариш илмий-техник ва лойиҳа-тадқиқот муассасалари тармоқлари орқали, сув хўжалиги, қурилиш ва эксплуатацион ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Бунда илмий-техника тараққиёти қатор ўзаро бир-бирига боғлиқ бўғинларни, илмий ғояларни ишлаб чиқишдан тортиб, уларни амалда қўллашгача бўлган жараёнларни қамраб олади. Бунда қуйидаги диққатга сазовор босқичларни аниқ ажратиш мумкин: тадқиқотларни ташкил этиш ва бевосита янги ғоя ва тавсияларни, техник ечимларни ишлаб чиқиш; ишлаб чиқариш текширувлари ва янги ишларни синаб кўриш; сув хўжалиги илм-фан ва техника соҳасидаги янгиликларнинг кенг тарғиботи ва ташвиқотини таъминлаш; илмий кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш; ишлаб чиқаришга илм-фан ва техника ютуқларини бевосита татбиқ этиш.

“Илмий-техник тараққиётни бошқаришда унинг икки ўзаро бир-бирига боғлиқ хусусиятлари билан ифодаланишини ҳисобга олиш лозим:

биринчи, мазкур соҳада ишлаб чиқариш билан фанни режа асосида бирлаштириш билан ифодаланадиган вертикал бўйича илмий-техник тараққиётни бошқариш;

иккинчи, горизонтал бўйича илмий-техник тараққиётни бошқариш; бунда бошқарув бутун халқ хўжалиги манфаатлари йўлида амалга оширилади ва айрим соҳалар ҳамда техника турларини ягона давлат техника сиёсати асосида ривожлантиришни мунтазам қўшиб олиб боришни мўлжаллайди”.

Шу нуқтаи назардан сув хўжалигининг илмий-техник ривожланишини белгилайдиган кўрсаткичлар тизимини аниқлаб олиш лозим бўлади. Бизнинг фикримизча уларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

– барчаси олинган айни вақтдаги ва капитал харажатлардан тежаб қолинганлари қўшилиб, қиймат ифодасида жамланган (умумлаштирилган) иқтисодий кўрсаткичлар;

– илмий-техника тараққиётининг муайян натижаларини баҳоловчи техник-иқтисодий кўрсаткичлар (электр энергияси, ёқилғи, металлни иқтисод қилиш);

– техника ишончлилиги, ишининг аниқлиги, материал ва конструкциялар мустаҳкамлиги ва бошқалар билан изоҳланадиган техник кўрсаткичлар.

Ушбу кўрсаткичларни ҳисоблаш ва фойдаланиш жараёнларида замонавий илм ва ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш яхши натижалар беради.

Ривожланган мамлакатларда ўтган асрнинг иккинчи ярмида фан техника тараққиётининг тез суръатларда ўсиши, илмий ечимларга асосланган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг жадал ривожланиши иқтисодий ўсишнинг жадаллашувига янгича туртки берди. Жаҳон ҳўжалигида муҳим иқтисодий ресурслар сифатида илмий ечимлар ва инновациялардан фойдаланиш асосида иқтисодий ўсишнинг янги йўналишлари шакллана борди.

Иқтисодиётнинг эволюцион ривожланиши таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши мазкур мамлакат қандай ижтимоий-иқтисодий тизимда бўлмасин, иқтисодиётни ўстиришда энг аввало илмий салоҳиятдан фойдаланиш даражаси ва ишлаб чиқаришни илмий асосда бошқариш билан белгиланади. Чунки, илм фан, илмий муассалалар, олимлар ва илм фан ходимлари ҳар доим ўзларининг янги ғоялари ва фикр мулоҳазалари билан жамият ижтимоий иқтисодий ривожига бевосита таъсир кўрсатиб келганлар. Ҳозирги даврда бундай ривожланиш ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни бир сўз билан айтганда иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга асосланади.

Бугунга қадар “инновация”, “инновацион жараён” тушунчалари иқтисодчи олимлар ва мутахассис томонидан турлича талқин қилинган.

“Инновация” (инглизча *innovations* – киритилган янгилик, ихтиро) асосан икки маънода ишлатилади: 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар; 2). илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технологиялар, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланилиши.

“Инновация” терминига бир-қанча таърифлар мавжуд. Инглизча луғатларга кўра: “Инновация” – бу янгилик киритиш, янгилик, ўзгариш демакдир. В.А.Макаренко таҳрири остида нашр этилган замонавий тушунча ва терминларнинг қисқача луғатида инновация терминига кенгроқ тушунча келтирилган: “Инновация” (инг. *Innovation* – янгилик киритиш, янгилик; латинчадан *Innovatio* – тикланиш, янгиланиш) дегани. Яъни, бу:

- техника ва технология авлодини алмашинувини таъминловчи, иқтисодиётга маблағ йўналтириш;

- илмий-техника тараққиётининг маҳсули бўлган янги техника, технологиялар яратиш;

- янги ғояларни ишлаб чиқиш, синтезлаш, янги назария ва моделларни яратиш ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш; индивидуал тусдаги, такрорланмас дастурларни ишлаб чиқиш.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, инновацияларни инсоният фаолиятининг барча жабхаларида қўллаш мумкин.

Демак, инновация – бу, тадқиқотлар ва ишланмалар натижаси бўлиб, янгилик ёки ижтимоий-иқтисодий ечимларни такомиллаштиришдир. У инсоният фаолиятида қўллаш орқали жамият томонидан тан олинishiга эришиш учун ҳаракатда бўлади.

Шунга мувофиқ, иновацияларни амалга ошириш инновацион фаолият деб юритилади.

У куйидаги йўналишларда янгиликни ихтиро қилиш ва жорий қилишни ўзида мужассамлаштиради:

- янги маҳсулот, янги тенгологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришнинг ташкилий шакли;
- янги маҳсулотлар ва хизматлар бозорлари;
- янги бошқарув жараёни ва ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ҳал этилиши, уларга мос равишда, янги молиявий дастаклар ва ташкилий тузилмалар.

Россиялик олим В.М.Баутин ушбу масалага бошқача ёндашиб, аксарият берилган таърифлар инновация категориясининг иқтисодий моҳиятини ёритиб бера олмайди, балки улар сифат жиҳатларини очиб бериш билан чегараланади, деб ҳисоблайди. Бу эса ҳар қандай янгилик ҳатто ҳеч қандай устунликка эга бўлмаган ҳолда ёки аналогига нисбатан кам самарали бўлса ҳам инновация сифатида намоён бўлишига олиб келади.

Унинг фикрича, инновацион тадқиқотларни мазмунига қараб куйидагиларга ажратиш мумкин. Булар, маҳсулотга оид, технологик, ҳамда сифати, баҳосига қараб, хусусий тўлиқ, радикал, комплекс, базис ва ҳоказолар (Базис ёки радикалга оид илмий инновацион тадқиқотлар бу йирик фан техника ғояларини амалга ошириш орқали маълум бир йўналиш бўйича муҳим натижаларга эришишдир. Булар маҳсулотларни етиштириш ва технологияларни такомиллаштиришда аграр фан янгиликларини жорий этишдаги мутлоқ янги тармоқлар ҳисобланади).

Шу жиҳатдан ихтирочиликнинг ривожланиши, бирор йўналишдаги йирик ихтиро ва кашфиётларнинг майдонга келиши инновациянинг муҳим омиллари ҳисобланади.

Сув хўжалиги тизимида инновацион фаолликни ривожлантиришда интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш тармоқ ривожи учун олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ. Чунки, тармоқнинг бошқа тармоқларга нисбатан ўзига хос хусусиятлари, айнан мазкур тармоқда олиб

борилаётган илмий тадқиқот ишларини молиялаштиришни ҳам ўзига хослик жиҳатлари билан фарқланади.

Шу жиҳатдан россиялик аграр иқтисодчи олим И.Ушачевнинг фикри эътиборли бўлиб, унинг фикрича, аграр тармоқда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар – соҳадаги инновацияларнинг манбаи ҳисобланади. Тармоқни фан ишланмаларини жорий қилиш орқали ривожлантириш ва ушбу соҳа давлат томонидан молиялаштирилиши зарур. Шунинг билан биргаликда, унда илмий ходимлар манфаатдорлигини оширишни ҳам назарда тутиши лозим. Энг аввало, тармоқда фан янгиликларини, ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тадбиқ этиб бориш талаб этилади, яъни ушбу вазиятда мамлакат миқёсида аграр соҳани ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва уларни молиялаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Буларнинг барчаси сув хўжалигини модернизациялаш орқали интенсив ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, инновацияни жорий этиш натижасида сув хўжалиги тизимининг барча бўғин ва тармоқларининг самарали ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Умуман олганда назарий жиҳатдан иқтисодиёт тармоқлари шу жумладан, сув хўжалигига инновацияларни жорий этиш ўз мазмуни ва моҳияти жиҳатидан бир бутун жараён сифатида қаралиши лозим бўлади. Инновация жараёни ўзига хос босқичларда иборат бўлиб, биринчи босқич техника, технология ёки маҳсулотни бирламчи ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга бўлган тадқиқотлардан иборат.

Иккинчи босқичда эса истеъмолчиларнинг конкрет эҳтиёжларини қондириш учун етарли миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришни кенг қўламда йўлга қўйиш амалга оширилади.

Учинчи босқич янгиликни ишлаб чиқариш ва пировард истеъмолчилар томонидан кенг фойдаланишни ўз ичига олади. Ушбу босқичларнинг йиғиндиси инновация жараёни деб аталади.

Инновация жараёни сифат жиҳатидан янги маҳсулот олиш учун илмий ишланмалар асосида муайян ташкилий, техник ёки технологик ғояларни бевосита ишлаб чиқаришда фойдаланишгача етказиш билан уларни янги технологияларга ёки унинг алоҳида таркибий қисмларига айлантириш бўйича изчил ҳаракатлар йиғиндиси ҳисобланади.

АСМда илмий-техник маҳсулот бозори илмий асосларини шакллантириш ва фаолият кўрсатиш қонуниятларини ва афзалликларини ишлаб чиқиш кейинги вақтда аграр фаннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланмоқда.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, сув хўжалигида инновациялар бозорини шакллантиришда қуйидагича таркибий тузилмаларнинг ўзаро боғлиқлигини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги вақтда ёпиқ суғориш тизимлари қурилишнинг суғоришдаги техник тараққиёти билан боғлиқ янги босқичи бошланди. Янги суғориш тизимларини қуришда ва эскиларини реконструкция қилишда каналларни шимилишга қарши қоплама билан қоплаш, тизимларининг тартибга солиб турувчи иншоотлар билан таъминланганлигини ошириш, суғоришни механизациялашган ва бошқаришни автоматлаштирган ҳолда сувни далага ёпиқ қувур шахобчаси орқали бериш сингари илғор техника ечимларини кенг қўллаш замон талабидир.

Сув бериш тизимларини автоматлаштириш ва механизациялаш воситаларини жорий қилиш тизимларини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган асосий тадбирлардан биридир.

Суғориш тизимларининг техник ҳолати ер ва сувдан фойдаланиш самарадорлиги даражаси билан бевосита боғлиқдир. Тажриба шуни кўрсатадики, гидромелиоратив тизим техник жиҳатдан қанчалик мукамал бўлса, у қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ошишига катта таъсир кўрсатади.

Илмий муассасалар доимий ва узлуксиз фаолият кўрсатиши жараёни илмий-техник маҳсулотлар махсус жамғариш тизимини шакллантиришни

тақозо этади. Бунинг учун тегишли хизмат зарур. Улар илмий-техник ахборот институтлари ва марказлари ҳисобланади.

Демак, суғориш технологиясини такомиллаштириш, йўқотишларни камайтириш, шунингдек, ресурслар сарфлари бирлигига олинадиган маҳсулот миқдорини ошириш бўйича инновация лойиҳаларини тузиш АСМ инновация лойиҳалари самарадорлигини ошириш йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, инновацион жараёнда сув хўжалигини бошқариш ва унинг илмий таъминоти билан шуғулланувчи муассасалар билан бир қаторда саноат, қишлоқ хўжалиги ва турли хизмат кўрсатиш корхоналари ҳам иштирок этади. Шу сабабли ҳам якуний мақсадга эришиши учун инновацион жараён иштирокчиларини инновацияга бўлган талабини аниқлашдан бошлаб, уни ишлаб чиқиш, фойдаланиш ва натижани амалиётга жорий қилишда бир бирига боғлиқ равишда иш олиб боришига эришиш зарур. Бу эса ўз навбатида инновацион инфратузилмаси субъектларининг фаолият кўрсатишини шакллантиришни тақозо этади. Инновацион инфратузилма субъекти – бу инновацион жараёнга кўмаклашувчи ва уни амалга оширувчи ташкилот ҳисобланади.

Маълумки, фан техниканинг ривожланиши бу табиий ҳолат ва бу доимо тараққий этиб боради. Инновацион жараён эса маълум бир даврда ривожланиши ва аксинча пасайиб бориши мумкин. Бу ривожланиш ва пасайиш интенсив ва экстенсив ҳолатда ҳам кечиши мумкин.

Иқтисодий инқироз шароитида интенсив инновацион жараён тезлашади, бунга давлат ёки ҳудудда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат ҳам таъсир кўрсатади.

Инновацион жараёни шакллантиришда асосий ролни ўйновчи омил бу инсон омили бўлиб, шахсининг номоддий мулки, яъни интеллектуал мулки ҳисобланади.

Инновацияларни жорий этиш интеллектуал мулк, яъни ишланма муаллифлари ҳуқуқининг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Патент

идораси томонидан берилган патент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро конвенциялар, у билан хорижий давлатлар ўртасида тузилган икки томонлама шартномалар асосида белгиланган ҳудудлардагина амал қилади.

Иқтисодиётни бошқа тармоқлари каби сув хўжалигида ҳам инновацион фаолликни ривожлантиришда интеллектуал мулкнинг ўрни бекиёс бўлиб, тармоқда бу асосан илмий тадқиқот ишларини олиб бориш жараёнида кузатилади.

Шунингдек, аграр соҳанинг илмий таъминотини ташкил қилиш ва ривожлантириш эса илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини кенгайтириш ҳамда унинг натижаларини амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ. Бу учта муҳим йўналиш асосан махсус дастурлар: илмий изланишлар илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини амалиётга жорий қилишдан иборат.

Илмий изланишлар, хусусан инновацион жараён, фундаментал ва амалий натижалардан иборат бўлиб, ўз ичига назарий усул ва услубий тадқиқотларни олади.

Илмий тадқиқотлар дастури ҳам фундаментал, ҳам амалий натижаларни ўз ичига олиб, илмий-инновацион ривожланишнинг янги йўналишларини белгилаб беради. Бундай дастурларнинг амалга оширилиши ишлаб чиқариш технологияси ва сув хўжалигининг ривожлантириш тизимини такомиллаштириб боради. Бу такомиллаштириш фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг турлича комбинациялари натижасида юзага келади.

Шунингдек, амалиётга тадбиқ этиш дастури илмий тадқиқотлар натижаларини бевосита амалиётга жорий қилиш асосида маълум йўналишда ишлаб чиқариш ва иқтисодий самарадорликка эришишдан иборат.

Бу дастурларни бир бирига боғлиқ равишда олиб бориш сув хўжалиги тизимининг илмий таъминот тизимини ташкил қилади. Шунини таъкидлаш лозимки, сув хўжалигининг илмий таъминоти шундай тизимни амалга оширилиши натижасида ижобий натижа беради.

Сув хўжалиги мажмуасининг илмий таъминоти сув хўжалиги тизими илмий салоҳиятининг мустаҳкамланиши, тармоқни малакали кадрлар билан таъминлаш даражасининг ошиб бориши, бошқариш механизмнинг иқтисодий усуллари жорий қилиниши, фан ва ишлаб чиқаришни бирлаштиришнинг ташкилий ва иқтисодий механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ равишда ривожланиб боради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, сув хўжалиги тизими корхоналари фаолиятини модернизациялаш ва инновацияларни жорий этишда тизимнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ:

- сув хўжалиги ташкилотлари объектларининг тарқоқ жойлашганлиги ва уларнинг бир биридан узоқликда жойлашиши;

- сув хўжалиги объектларининг маълум жойда қатъий жойлашганлиги ва уларнинг мобиллик даражасининг пастлиги;

- сув хўжалигининг қуйи тизимида сувдан фойдаланишнинг мавсумийлик характери ва сув хўжалиги мелиоратив фондларининг йил давомида нотекис тақсимланганлиги;

- сув етказиб бериш билан боғлиқ эксплуатацион жараёнларни ташкил қилишнинг ўзига хослиги;

- қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларига сувни етказиб бериш билан боғлиқ бўлган фаолият юритувчи ташкилотларда мутахассислар ишини ишини ташкил қилиш;

- вегетация даврининг давомийлигини ва сув хўжалиги эксплуатацион ташкилотлари ҳамда гидротехник иншоотларнинг ишлаш вақти, сув омборлари, каналлар, суғоришлар, насос станциялари ва бошқа иншоотлар бевосита қишлоқ хўжалигига сув етказиб бериш билан боғлиқлиги;

- сув хўжалик ташкилотлари фаолияти экстерриториал характердаги сув ресурслари билан боғлиқ бўлиб, раҳбар ва мутахассислардан юқори малака ва қатъий масъулиятни талаб қилади;

– сув ресурсларининг чекланганлиги ер-сув муносабатларида ўзига хос табиий, ижтимоий-иқтисодий, техник, ҳуқуқий ва ташкилий омилларни ҳисобга олишни талаб қилади.

Умуман олганда, сув хўжалиги тизимида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва уларни ривожлантиришда, энг аввало унинг ўзига хос бўлган хусусиятларини инобатга олиш, бозор иқтисодиёти шароитида тармоқда илмий фан ютуқлари билан таъминот, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узлуксиз боғлиқликни таъминлаш, инновацион жараёнларни молиялаштириш манбаларини такомиллаштириш, инновацияларни жорий этиш ва уни иқтисодий рағбатлантириш механизмларини бозор талаблари асосида такомиллаштиришдан иборат.

2. Сув хўжалиги тармоқларига инновацияларни жорий этилиш ҳолатининг таҳлили

Аграр соҳани модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, тармоқнинг илмий салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган стратегик аҳамиятга молик бўлган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш мамлакатимиз қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу ўз навбатида илм-фанни жадал ривожлантириш, янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, соҳадаги мавжуд инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланишни ҳаётий заруратга айлантирмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалиги юксак ривожланган хорижий давлатларда ўтган асрнинг саксонинчи йиллариданоқ қишлоқ хўжалиги, шу жумладан сув хўжалиги тизими корхоналарини инновацион ривожлантириш босқичига кириб кўп илмталаб технологиялар, техника ва ускуналарнинг янги авлодини яратиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бизнинг республикамізда қишлоқ хўжалигининг стратегик аҳамиятга эга бўлган устувор тармоқ эканлиги ва унинг бевосита ва тўлиқ сув хўжалигига боғлиқлиги сув хўжалигини инновацион асосда ривожлантириш, мавжуд интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш орқали уни замонавий ривожланиш талабларидан келиб чиққан ҳолда сифат жиҳатидан янги техник ва технологик асосда ривожлантиришни талаб этади. Худди шу сабабли ҳам кейинги йилларда мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалигини, шу жумладан сув хўжалиги тизими корхоналарини инновацион асосда ривожлантириш, тармоқни тубдан модернизациялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо, Президентимиз таъкидлаганларидек, “... биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Холбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, ... га катта эҳтиёж сезилмоқда”.

Маълумки, тармоқни модернизациялаш, бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, хусусан қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини оширишга хизмат қилади. Қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини оширишда эса биринчи навбатда суғориладиган ерларнинг унумдорлиги, ирригация ва мелиорация тизимидаги мавжуд ҳолатга боғлиқ. Илмий тадқиқот ишларининг натижаларига кўра, ўртача шўрланган ерларда экинларнинг ҳосилдорлиги шўрланмаган ерларга нисбатан 50-60 фоизга, ўта шўрланган ерларда эса 90-100 фоизга паст бўлиши аниқланган.

Шунинг учун ҳам ўтган йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари ҳукуватимизнинг доимий эътиборида бўлиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тизимларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3932-сонли Фармониға мувофиқ, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив

ҳолатини 2008-2012 йилларда яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Мазкур Дастурда мелиоратив тизимларни ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтирилган қуйидаги тадбирлар мажмуасини амалга ошириш мўлжалланган:

1. Магистрал ва хўжаликлараро зовурлар, мелиоратив тик қудуқларни, мелиоратив насос станцияларини қуриш ва қайта тиклаш, ёпиқ-ётик дренажларни тиклаш.

2. Мелиоратив насос станцияларини, гидротехника ва сув ўтказувчи иншоотларни ва бошқа мелиоратив объектларни таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш.

3. Сув хўжалиги қурилиши ва сувдан фойдаланиш ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган ирригация-мелиорация тадбирлари давлат бюджети томонидан молиялаштирилмоқда. Жумладан, 2008 йилга бу мақсадлар учун жами 90,3 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 178,6 миллиард сўмга етди. Ўтган 2008-2011 йилларда жами ажратилган маблағлар қиймати 550,0 миллиард сўмни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Мамлакатимиз бўйича мелиоратив тадбирларларга ажратилган маблағлар, миллиард сўмда

Тадбирлар номи	Жами 2008-2011 йилларда	шу жумладан:			
		2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш ишларига	225,1	22,4	57,3	63,8	81,6
Мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш ишларига	222,9	38,6	48,1	59,2	77,0
Лизинг асосида мелиоратив техникалар етказиб беришга	101,9	29,3	25,4	27,2	20,0
Жами	550,0	90,3	130,8	150,2	178,6

2010 йилда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва коммуникация объектлари, қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиоратив қурилишни ривожлантириш билан бир қаторда ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш масалалари ҳукуматимизнинг диққат марказида бўлди. Ҳозирги кунда суғориладиган ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича қиймати 561 миллион АҚШ доллариға тенг бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги 11 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Шундан 2010 йилда қиймати 62,25 миллион АҚШ доллари бўлган 9 та, 2011 йилда эса қиймати 112,9 миллион АҚШ доллариға тенг бўлган 11 та инвестицион лойиҳа асосида ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда.

Амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида 2006-2011 йиллар давомида шўрланмаган майдонлар ҳажми 2109 минг гектардан 2192 минг гектарга кенгайиб, кучли шўрланган майдонлар ҳажми 163 минг гектардан 126 минг гектарга қисқарди. Ер ости сизот сувлари сатҳининг чуқурлиги 1,5 метргача бўлган майдонлар ҳажми 2001-2011 йиллар давомида 272 минг гектардан 177 минг гектарга қисқарди.

Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг илғор, замонавий усулларини жорий этишнинг аҳамияти катта. Чунки, республикадаги сув танқислиги шароитида суғоришнинг замонавий усулларини қўллаш орқалигина аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мумкин. Кейинги йилларда мамлакатимизнинг бир қатор ҳудудларида экинларни суғоришнинг янги технологиялари синовдан ўтмоқда ва қўллашга тавсия этилмоқда. Биргина 2011 йилнинг ўзида 1571 гектар ерга томчилатиб суғориш технологияси, 543 гектарга эгатга полиэтилен плёнка тўшаб суғориш тизими, 753 гектарга кўчма ва эгилувчан қувурлар орқали суғориш тизими жорий этилгани диққатга сазовордир.

Умуман олганда, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар натижасида:

- суғориладиган ерларда ер ости сувлари сатҳи ва шўрланиш даражаси пасайиб, экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланмоқда;
- хўжаликларни сув билан таъминлаш тизими яхшиланиб бормоқда;
- қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ортиб, хўжаликларининг даромадлари юксалмоқда.

Пировард натижада ерларнинг унумдорлиги, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги сезиларли даражада ошмоқда.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантиришнинг истикболли дастурида:

- қишлоқ ва сув хўжалиги тизимида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мулкӣ муносабатлар ва хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш борасида барча субъектлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни бозор тамойиллари асосида амалга ошириш, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишида томонлар масъулиятини ошириш.

- қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш йўналиши бўйича тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида барча ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, унумдорлиги паст ер майдонлари салмоғини камайтириш.

- сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш мақсадида сув хўжалиги тизимида моддий ва маънавий эскирган ирригация-мелиорация тизимини янгилаш, унинг самардорлигини ошириш, янги суғориш технологиялари ва сувдан фойдаланиш механизмларини жорий этиш, ер майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дренаж тармоқларини қуриш ва таъмирлаш тадбирларини амалга ошириш.

– қишлоқ хўжалигида молия-кредит, солиқ ва суғурта тизимини такомиллаштириш, хусусан унумдорлиги паст бўлган, шунингдек, насослар билан суғориладиган майдонларда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизминини такомиллаштириб бориш.

– илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, хусусан атроф-муҳитга экологик зарар келтирмайдиган техника ва технология ҳамда хомашё ресурсларини қайта ишлашда янги услублар ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш; қишлоқ хўжалигининг амалий муаммоларини ҳал этишда инновацион лойиҳалардан кенг фойдаланиш ва бунда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг банк орқали кредитлаш тизимини жорий этиш каби йўналишлар алоҳида урғу берилган.

Шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги илмий ва олий таълим муассасалари томонидан иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини ривожлантириш, иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, инновацион жараёнлар ва инновацион муҳитни такомиллаштириш, қишлоқ ва сув хўжалигида энергия ва ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизими корхоналари фаолиятининг деярли барча фаолият йўналишларини қамраб олган ўнлаб амалий, фундаментал ва инновацион лойиҳалар бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда Республика қишлоқ ва сув хўжалиги тизимида амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари, шу жумладан фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар ҳар бир тармоқ ва тармоқ корхоналари бўйича ҳар томонлама пухта ўйланган мониторинг натижаларига таянган ҳолда олиб борилмоқда, деб бўлмайди.

Хусусан, сув хўжалиги тармоқларида илмий-тадқиқот ишлари билан бевосита шуғулланадиган Тошкент ирригация ва мелиорация институти

олимлари томонидан кейинги йилларда бажарилган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда илмий тадқиқот, лойиҳа конструкторлик ишлари сони ва йўналишларида кескин фарқланишлар мавжудлигини кўрсатмоқда (Институт илмий-тадқиқот ишлари асосан бешта йўналишда олиб борилади).

Бунда 1) фундаментал тадқиқот лойиҳалари бўйича 2000-2012 йиллар мобайнида жами 7 та тадқиқот ишлари амалга оширилган бўлиб, шундан биттаси (2007-2011 й.й.) “Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш услубларини такомиллаштириш асослари” йўналиши, учта лойиҳа (2001-2012 йиллар) “Суғориш сувини тежайдиган технологиялар, гидромелиоратив тизимлардан самарали фойдаланиш ва суғориладиган ерларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” йўналиши, иккитаси (2007-2012 й.й.) “Гидротехника иншоотлари конструкцияларини такомиллаштириш, ҳисоблаш, лойиҳалаш ва хавфсизлигини таъминлаш асосларини ишлаб чиқиш” йўналиши ва битта лойиҳа (2007-2011 й.й.) “Қишлоқ ва сув хўжалигини механизациялаштириш. электрлаштириш ва автоматлаштириш муаммолари” йўналишларида бажарилган.

Мазкур йилларда “Суғорма деҳқончиликда сувдан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асослари” йўналишида фундаментал тадқиқотлар амалга оширилмаган.

2) Амалий тадқиқотлар лойиҳалари бўйича: жами 32 та лойиҳалар устида (2001-2012 й.й.) илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, шундан 7 таси биринчи, 16 таси иккинчи, 5 таси учинчи, 5 таси тўртинчи ва 3 та мавзу 5 йўналишдаги муаммолар устида олиб борилган.

3) Инновацион лойиҳаларни жорий қилиш бўйича:

Ўтган 2001-2012 йилларда жами 5 та инновацион лойиҳалар устида иш олиб борилган бўлиб, шундан 2 таси 2008-2009 ва 2011-2012 йилларда биринчи йўналиш бўйича ва 3 та инновацион лойиҳалар 2009-2012 йилларда иккинчи йўналиш муаммоларини ҳал этишга қаратилган. Учинчи, тўртинчи

ва бешинчи йўналишлар бўйича эса инновацион лойиҳалар амалга оширилмаган.

Юқорида келтирилган таҳлил натижаларидан кўришимиз мумкинки, 2001-2012 йиллар мобайнида 7 та фундаментал, 32 та амалий ва 5 та инновацион лойиҳалар устида тадқиқотлар олиб борилган. Хулоса қилиб айтганда, уларнинг сони ва йўналишларида кескин фарқланишлар борлиги ва айниқса, бажарилган амалий лойиҳалар натижалари инновация сифатида амалиётга жорий этилмасдан қолмоқда.

Қолаверса, катта илмий салоҳиятга эга бўлган учинчи, тўртинчи ва бешинчи йўналишларда фаолият юритаётган факультет ва кафедраларда инновацион лойиҳалар бўйича олиб бораётган илмий тадқиқотларини қониқарли ҳолатда, деб бўлмайди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, институт олимлари томонидан 2008-2012 йиллар давомида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли бошқармалари билан 55 та илмий тадқиқот ва лойиҳа конструкторлик ишлари амалга оширилган бўлиб, ушбу ишларнинг 21 таси иккинчи, 16 таси учинчи, 14 таси тўртинчи ва 5 таси бешинчи йўналишларга тегишли ҳисобланади. Биринчи йўналиш бўйича мазкур мавзулар доирасида тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Шунингдек, институт олимларининг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизими корхоналари билан инновацион ҳамкорлик ҳамда хўжалик шартномалари асосида қилинаётган ишларининг таҳлиллари кўрсатишича, 2008-2012 йилларда ушбу мақсадларда жами 25 та шартномалар асосида иш олиб борилган бўлиб, шундан 7 таси иккинчи, 9 таси учинчи, 3 таси тўртинчи ва 6 таси бешинчи йўналишлар доирасида бажарилган. Ушбу блокда ҳам биринчи йўналиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Бизнинг фикримизча, юқорида қайд этилган икки йўналишдаги, яъни илмий тадқиқот, лойиҳа конструкторлик ҳамда хўжалик шартномалари бўйича олиб борилган ишлар бевосита вазирлик ва унинг тегишли бўлинмалари орқали амалга оширилиши ҳамда тўғридан-тўғри истеъмолчи корхоналар билан ишлаш имкониятини беради. Шу сабабли мазкур

йўналишдаги тадқиқот ишларини ривожлантиришга кўпроқ эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Сув хўжалиги тармоғида фаолият юритаётган илмий ва олий таълим муассасалари томонидан амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишлари натижалари ҳамда инновацион ишланмаларни ишлаб чиқариш ва сув хўжалиги тизими корхоналарига бевосита тадбиқ этиш жараёнида айрим узилишлар кузатилмоқда. Бу ўз навбатида сув хўжалигини модернизациялаш ва уни инновацион ривожланиш босқичига ўтказишда қатор тўсиқ ва муаммоларни бартараф этишни талаб этади. Жумладан:

- инновацион фаолият жараёнларидаги таваккалчилик даражасини пасайтирувчи молиявий тизимнинг шаклланмаганлиги;
- инновацион маҳсулот ва ишланмалар билан чиқиш учун ички ва ташқи бозорларнинг етарли даражада ўрганилмаганлиги;
- кўпчилик илмий ва олий таълим муассасаларидаги аграр ва иқтисодчи олимлар томонидан истеъмолчилар ҳамда бозор талабларига мос келмайдиган илмий маҳсулотларнинг таклиф этилаётганлиги;
- самарали инновацион фаолиятни таъминловчи инфратузилмаларнинг етарли даражада шаклланмаганлиги каби масалаларни қайд этиш мумкин.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирда қишлоқ ва сув хўжалиги тизимида илмий ишланмаларни тайёрлаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш асосан вазирлик тизимидаги қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят филиаллари зиммасига юклатилган. Ушбу марказ ва унинг филиалларидаги молиявий, моддий-техник ресурслар ва кадрлар таъминоти даражаси бугунги кунда уларга юклатилган вазифаларни самарали бажариш имкониятларини чеклаб қўймоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари, сув хўжалиги тизимидаги ирригация ва мелиорация хизмати кўрсатувчи ташкилотлар билан бевосита иш олиб борувчи вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ва туман бўлимлари эса асосан ишлаб чиқариш

ва хўжалик фаолияти жараёнларига жалб этилган бўлиб, тизимда инновацияларни жорий этишга зарур даражада эътибор бермаяптилар.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ ва сув хўжалигида инновацион жараёнларни ривожлантириш ва мавжуд интеллектуал мулкдан самарали фойдаланишни таъминлаш учун юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этиш билан бирга биринчи навбатда илмий ва олий таълим муассасалари имконияти ва улар томонидан таклиф этилаётган мавзулар доирасида эмас балки, қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарининг реал талабларидан, яъни бозор талабларидан келиб чиқиш зарур.

Шунингдек, ҳудудлар қишлоқ ва сув хўжалиги тизимининг илмий таъминотини ташкил қилишда ушбу соҳа учун кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртлари салоҳиятидан ҳам самарали фойдаланиш лозим. Улар ўзлари жойлашган ҳудуд қишлоқ ва сув хўжалиги илмий таъминотини мувофиқлаштириш ишларида етакчи рол ўйнашлари керак.

Республика қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидаги инновацион салоҳият таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, улар асосан Тошкент, Самарқанд ва Андижон шаҳарларида тўпланган (2-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, фан докторлари ва номзодларининг деярли 90-95 фоизи айнан шу шаҳарлардаги илмий ва олий таълим даргоҳларида фаолият юритмоқдалар. Бу ҳолат тадқиқот ишларининг марказлашуви ва истеъмолчилардан узоқлашувига сабаб бўлмоқда.

Бошқача қилиб айтганда, илмий-тадқиқот ишларини бундай марказлаштирилган ҳолда олиб борилиши, бир томондан ҳудудлар қишлоқ хўжалигини ўзига хос хусусиятларини тўлароқ қамраб олиш имкониятини маълум даражада чекласа, иккинчидан улар томонидан тайёрланаётган илмий ишланма ва тавсиялар айрим ҳолатларда умумий характерга эга бўлмоқда, учинчидан илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва инновацион ишланмаларни амалиётга жорий қилишни молиялаштиришда ҳудудларнинг иштирокини қийинлаштирмоқда.

Бундан ташқари, соҳада инновацион инфратузилмани ривожлантириш, яъни илмий ва олий таълим муассасалари қошида инновацион фаолият билан шуғулланувчи кичик тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ҳам яхши натижалар беради.

2-жадвал

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги олий ўқув юртларида тадқиқотчи олимлар малакасининг даражаси (2012 йил 1 январь ҳолатига)

Олий ўқув юртлари номлари	Жами илмий ходимлар сони	Шу жумладан						Бошқа ёрдамчи ходимлар	
		Фан докторлари		Фан номзодлари		Илмий даражасиз тадқиқотчилар			
		сони	%	сони	%	сони	%	сони	%
Тошкент Давлат аграр университети	234	46	19,6	60	25,6	128	54,7	-	-
Шу жумладан; Нукус филиалида	24	2	8,3	5	20,8	17	70,8	-	-
Тошкент ирригация ва мелиорация институтида	337	31	9,2	123	36,5	183	54,3	60	17,8
Сам ҚХИ	223	21	9,4	104	46,6	98	43,9	36	16,1
Анд ҚХИ	84	4	5,0	26	32,5	54	64,3	22	26,2
Тош ДАУ қошидаги “Биомарказ”	5	2	40	1	20	2	40	18	360
Фнд ҚХИ қошидаги “Биосервис”	5	2	40	1	20	2	40	12	240
Жами:	912	108	11,8	320	35	547	59,9	172	18,8

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш лозимки, илмий муассаса ва олий таълим тизими қошида “Кичик инновацион корхоналар”ни ташкил этиш ва ушбу корхона фаолиятига инновацион фаолият билан шуғулланувчи интеллектуал мулк соҳибларини кенг жалб этиш, аграр соҳада интеллектуал мулк ва инновацион жараёнлар самарадорлигини янада ошириш учун хизмат қилади.

Қишлоқ ва сув хўжалигида инновацион мулкдан фойдаланиш ва инновацион жараёнларни янада ривожлантиришда давлат томонидан

инновацион тизим муассасаларига илмий-техник, молиявий-ташкилий, иқтисодий ва ахборот-консалтинг соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиниши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

3. Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари хавза бошқармаси фаолиятининг ҳозирги ҳолати

Вилоятда 515,6 минг гектар суғориладиган майдон мавжуд бўлиб, шундан 145,0 минг гектар ғалла, 160,4 минг гектар пахта, 11,6 минг га сабзавот, 2,6 минг га полиз экинлари, 55,3 минг га озуқабоп экинлар, 38,9 минг га кўп йиллик экинлар, шундан 33,7 минг га боғ-ток, аҳоли томорқаси 48,5 минг га, бошқа экинлар 52,0 минг га ва такрорий экинлар 43,5 минг га майдонни ташкил этади.

Бу майдонларни кафолатли сув билан таъминлаш мақсадида давлат ҳисобидаги 13 та сув омборлар, 2245,0 км хўжаликлараро ирригация тармоқлари, 1979 та гидротехник иншоотлар ва 1698 дона гидropостлар, 1093 дона суғориш қудуқлари, 62 та насос станция, 26 дона дюкер, 25 дона акведук, 185 дона сув тўсувчи иншоотлар, 9 та гидроузеллар хизмат қилади. Бундан ташқари ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун 2594 км хўжаликлараро зовурлар, 354 дона мелиоратив қудуқлар хизмат кўрсатади.

Қашқадарё вилоятида аҳоли маиший эҳтиёжлари, саноат (энергетика), балиқчилик ва суғориладиган майдонларни сув билан таъминлаш учун талаб этиладиган сувнинг 75 фоизи Туркменистон давлати ҳудудида Амударёдан 78 км узунликдаги каналдан 132 метр баландликка сув кўтариб берувчи етти кўтармали Қарши магистрал канали насос станциялари каскади орқали Миришкор ва Қарши магистрал каналларига, 5 фоизи Самарқанд вилоятидаги Зарафшон дарёсидан Эски-анҳор канали орқали етказиб берилади. Қолган 20 фоиз сув Қашқадарё ва унинг ирмоқлари, Танхоздарё, Жиннидарё, Оксувдарё, Катта-кичик Урадарё, Ғузордарё, Қизилсувдарё, Яккабоғдарё, Қумдарё, Лангардарё дарёлари ва Аёқчисой, Шўробсой, Қорабоғсой, Гулдарасой, Жонбузсой, Қорасувсой ва бошқа бир қатор сойлар

орқали таъминланади. Булардан ташқари сув таъминотида 1093 дона суғориш кудукларидан ҳамда зовур сувларидан фойдаланилади.

Вилоятда суғориладиган 515,656 минг га, шундан Амударё ҳавзасида 336,265 минг га, Зарафшондарё ҳавзасида 49,63 минг га, Қашқадарё ҳавзасида 129,748 минг га суғориладиган майдон мавжуд.

Ушбу майдонларни сув билан таъминлаш учун 2012 йил гидрологик йилда сувдан фойдаланиш ҳисоби бўйича жами манбалардан 8285,9 млн. м³ сув талаб этилади, шундан суғоришга 7924,9 млн. м³ сарфланган (3-жадвал).

3-жадвал

Вилоятда суғориладиган майдонларни сув билан таъминлаш ҳолати

Жами манбалардан	Режа бўйича	Лимит бўйича	Амалда олинди	Режага нисбатан сув таъминоти, %	Лимитга нисбатан сув таъминоти, %
	8285,9	5991,6	6355,7	77	106
шундан вилоят чегарасида					
суғоришга жами	7924,9	5630,6	5818,2	73	103
Амударё ҳавзаси	5235,0	3734,2	3290,2	63	88
Зарафшон ҳавзаси	680,4	365,0	316,6	47	87
Қашқадарё ҳавзаси	1594,0	998,5	1618,9	102	162
Ер ости сувлари		170,0	80,8		48
Зовур сувлари		70,0	213,8		305

Жадвалдан кўриниб турибдики, ўтган гидрологик йил учун 5991,6 млн. м³, шундан суғоришга 5630,6 млн. м³ сув лимити ажратилди. Амалда 6355,7 млн. м³ сувдан фойдаланилган бўлиб, шундан суғоришга вилоят чегарасида 5520,4 млн. м³ сув ишлатилди ёки сув таъминоти меъёрга нисбатан 77 фоиз, ажратилган чекланган сув лимитига нисбатан 103 фоизни ташкил этди.

2011-2012 йиллар ноёсув даври учун манбалардан 1850,6 млн. м³, шундан суғоришга 1706,6 млн. м³ сув талаб этилади. Ажратилган чекланган сув лимити 1332,6 млн. м³, шундан суғоришга 1188,6 млн. м³. Амалда вилоят чегарасида 1426,8 млн. м³, шундан суғоришга 1128,1 млн. м³ сув олинди.

2012 йил ўсув даври учун жами манбалардан 6435,3 млн. м³, шундан суғоришга 6218,3 млн.м³ сув талаб этилади. Мавжуд сув ресурсларидан келиб чиқиб, жами 4659,0 млн. м³, шундан суғоришга 4442,0 млн. м³ сув лимити ажратилди. Амалда эса 4928,8 млн. м³, шундан суғоришга 4623,9 млн. м³ сув олинди.

2012-2013 йиллар ноўсув даври учун манбалардан 1775,8 млн. м³, шундан суғоришга 1631,3 млн. м³ сув талаб этилади. Ажратилган чекланган сув лимити 1883,5 млн. м³, шундан суғоришга 1113,6 млн. м³ ни ташкил этади.

Жорий йилда суғоришни самарали ташкил этиш мақсадида туман ва ҳудудларга 253 нафар, ҳар 200-250 гектар суғориладиган майдонга ёки 3-4 та фермер хўжалигига биттадан 807 нафар, жами 1060 нафар малакали сув хўжалиги ходимидан номма-ном вакиллар бириктирилди.

Ўзгани илмий асосда парвариш қилиш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил қилиш учун қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олим ва етук мутахассислар амалий ёрдам кўрсатди.

Сув ресурсларини оқилона бошқариш ва уларни фермер хўжаликлари далаларигача етказишни таъминлаш учун ички ишлар, фавқулодда вазиятлар ва электр тармоқлари хизматлари раҳбар-ходимлари бириктирилди.

Ҳар бир туман ва сув истеъмолчилар уюшмаларига халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашлари депутатлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда муқобил машина трактор парклари раҳбарлари, тажрибали фахрий сувчи ва агрономлардан иборат холис жамоатчилик гуруҳлари тузилди.

Ўзгани суғориш учун вилоят бўйича сув хўжалиги ходимлари раҳбарлигида жами 338 та суғориш отрядлари ташкил қилиниб, улар фермер хўжаликларида (32 минг нафар сувчи) суғоришнинг ташкил этилишини назорат қилди.

Бундан ташқари тунги суғориш ишларига қатнашаётган сувчилар сонини аниқлаш учун Вилоят солиқ ходимлари сафарбар қилинди. Вилоят ва

туманларда сув таъминотини ўзани сувга келганига қараб айланма график асосида етказиб бериш учун ҳолис жамоатчилик гуруҳлари тавсияси асосида амалга оширилди.

2013 йил ҳосили учун экилган ғалла майдонларини суғориш ишларини ташкил этиш бўйича туманларда ва барча сув истеъмолчилари уюшмаларида (СИУ) суғориш штаблари ташкил этилиб, уларга сув хўжалиги ташкилотларининг раҳбар-ҳодимларидан 253 нафар масъул вакиллар туманлар ва ҳудудларга бириктирилди. Ҳудудларда суғориш ишларини ташкил қилиш учун сув хўжалиги ҳодимларидан иборат ҳар 500 гектар ғалла майдонга биттадан, жами 313 та отряд тузилди.

СИУ ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги ички канал(арик)ларни тозалаш режаси 13081,3 км қилиб белгиланган. Шундан механизм билан тозалаш режаси 384,6 км, шундан 1 октябргача 43,5 км режалаштирилган бўлиб, жалб қилинган 12 та механизмлар ёрдамида 38,9 км ёки 90 фоизга тозаланди, қўл кучи ёрдамида тозалаш 12696,7 км, шундан 1 октябргача 1366,8 км режалаштирилган бўлиб, амалда 1181,7 км ёки 86 фоизга тозаланди.

Хўжалик ички ирригация тармоқларидаги гидротехник иншоотларни таъмирлаш жами кузги-қишки режаси 3201 дона, шундан 1 октябргача 293 дона режалаштирилган бўлиб, амалда 255 дона ёки 87 фоизга таъмирланди, гидропостларни таъмирлаш жами режаси 3448 дона, 1 октябргача 354 дона режалаштирилган бўлиб, амалда 311 дона ёки 88 фоизга таъмирланди. Фермерларнинг сув олиш қулоқларини оддий тартибда жиҳозлаш жами режаси 2911 дона, шундан 1 октябргача 372 дона режалаштирилган бўлиб, амалда 338 дона ёки 91 фоизга жиҳозланди. Хўжалик ички насос агрегатларини таъмирлаш жами кузги-қишки режаси 100 дона, шундан сентябр ойи режаси 20 та бўлиб, 1 октябргача 20 та ёки 100 фоизга бажарилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан берилган лимитга асосан Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тизим

ташкilotлари ва ГТМЭ, НСЭАБ, КМК ФБ ташкilotлари билан биргаликда жами 2012 йил 9 ойда режалаштирилган электр энергия 1970563,6 минг кВт бўлиб, амалда 1953821,3 минг кВт электр энергия сарфланди, шу жумладан:

1. Аму-Қашқадарё ИТХБнинг тизим ташкilotлари бўйича 918,0 минг кВт электр энергия лимити ажратилган бўлиб, амалда 769,2 минг кВт электр энергия сарфланди.

2. НСЭАБга 137700 минг кВт электр энергия лимити ажратилган бўлиб, амалда 136688,4 минг кВт электр энергия сарфланди.

3. КМК ФБ га 1831906,6 минг кВт электр энергия лимити ажратилган бўлиб, амалда 1816326,9 минг кВт электр энергия сарфланди.

2012 йилда Аму-Қашқадарё ИТХБ ва КМК фойдаланиш бошқармалари янги замонвий ҳисоблагичлари билан таъминланди.

Ҳавза ҳудудида сув ресурсларини оқилона бошқариш ҳамда унинг тезкорлигини ошириш мақсадида алоқа тизимини такомиллаштириб, мавжуд радиоалоқаларни узлуксиз ишлаши йўлга қўйилган. Ушбу радиоалоқалар магистрал ва ирригация тизими бошқармаларида, насос станциялари омборларида, йирик гидротехник иншоотларда ўрнатилган бўлиб, нуқсонсиз ишлаши йўлга қўйилди. Берилаётган хабарномалар диспетчерлик хизмати орқали, радиоалоқалар ёрдамида жойларга ўз вақтида етказилади. Бундан ташқари ҳавза бошқармаси ҳудудида Қарши, Қамаш, Ғузур, Дехқонобод туманлари ҳудудидаги йирик гидротехник иншоотлар билан алоқа қилишда 333,95 км алоқа линия, 7 дона АТС, 170 дона радиостанция, 4 дона коммутатор, 1 дона тететайп, диспетчерлик хизмати учун 4 дона ПДС-10/10 ва ПДС-20/20, 640 номер ҳажмида телефон станцияси, ИКМ-15 1 комплект ва 7 та АТСК 50/200 мавжуд. Ҳавза бошқармаси ташкил этилгандан сўнг бошқарувни яхшилаш мақсадида Миришкор, Ғузур, Қамаш йўналишлари бўйича махсус ижара каналидан ҳам фойдаланилмоқда. Янги рақамли АТС ўрнатилиб, энг узок 8 та сув омбор ва гидроиншоот объектлари билан радиотўлқинли алоқа тизимини тиклаш бўйича иш олиб борилмоқда.

Вилоят туманларида 48 дона доимий насос станцияларида 209 дона агрегатлар бўлиб, уларнинг умумий қуввати 89782 кВтга тенг, сув чиқариш қобилияти 188,8 м³/с ни ташкил этади. Шунингдек, 1175 дона суғориш ва 319 дона мелиоратив қудуқлар мавжуд.

Ушбу насос станциялари ва қудуқларни 1 дона 110 кВ, 2 дона 35 кВ, 1 дона 6-10 кВ подстанция ва 618 дона трансформаторлар, шунингдек 561,5 км узунликдаги электр узатиш тармоқлари энергия билан таъминлашда хизмат қилади.

Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли ташкилотларда 5 комплект қувур ювиш агрегати мавжуд бўлиб, шундан 4 комплекти ишга яроқлидир.

Аму-Қашқадарё ИТХБ бўйича жами ходимлари сони штат бўйича 2967 киши, амалда эса 2935 киши ишламоқда (4-жадвал).

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг марказий аппарати бўйича жами ходимлари сони штат бўйича 111 киши, амалда эса 104 киши ишламоқда.

Жадвалдан кўриниб турибдики, ҳавза бошқармасида 43 нафар иқтисодчи, 98 нафар бухгалтер, 2 нафар маркетолог, 2 нафар менежер ишламоқда, шу билан бирга 379 нафар ёки 13 % яқин муҳандис гидротехниклар фаолият олиб боришмоқда.

Бошқармага қарашли барча ташкилотларнинг маъмурий биноси ва ёқилғи сақлаш омборхоналарига ёнғинга қарши махсус бурчаклар ташкил қилиниб, ўт ўчириш жиҳозлари билан таъминланган.

Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси сметасида эксплуатация харажатлари 2008 йилда 5130,1 млн. сўмни ташкил қилган (5-жадвал). Бу кўрсаткич 2006 йилга нисбатан 2124,9 млн. сўмга кўпдир. Иш ҳақи ва ажратмалар эса 1811,6 млн. сўмга ошиб, 3329,2 млн. сўмни ташкил қилди.

Аму-Қашқадарё ИТХБнинг эксплуатация
харажатлари тўғрисида маълумот
(млн. сўм)

№	Харажатлар номланиши	2010	2011	2012	2012 йил 2010 йилга нисбатан (+; -)
1.	Иш ҳақи ва ажратмалар	1517,6	2171,2	3329,2	+ 1811,6
2.	Бошқа харажатлар (4-группа)	1487,6	1764,8	1800,9	+ 313,3
	шундан:				
	хизмат сафари	7,6	9,4	19,2	+ 11,6
	коммунал хизматлар	55,6	61,3	78,1	+ 22,5
	телекоммуникация ва ахборот хиз-матлари	10,3	7,8	13,3	+ 3,0
	жорий таъмирлаш ишлари	864,5	626,8	695,9	- 168,6
	ижара ва бошқа хизматлар тўлови	447,5	565,4	839,9	+ 392,4
	бошқа жорий харажатлар	10,3	14,6	9,8	- 0,5
	асосий капитал активларини сотиб олиш	91,8	479,5	144,7	+ 52,9
Жами:		3005,2	3936,0	5130,1	+ 2124,9

4-группага кирувчи бошқа харажатлар 2012 йилда 1800,8 млн. сўмни ташкил қилган. Шундан жорий таъмирлаш ишлари 695,9 млн. сўмни, каналларни тозалаш ишлари 394,3 млн. сўмни, ҳимоя ишлари 122,6 млн. сўм, алоқа харажатлари 39,3 млн. сўмни, транспорт харажатлари 7,2 млн. сўмни, ёқилғи мойлаш материаллари харажатлари эса 467,9 млн. сўмни ташкил этади (6-жадвал).

Тизим эксплуатация ишларига жами смета бўйича тақсимланган сарф-харажатлар 2010 йилда 3197,8 млн. сўм, 2011 йилда 3432,4 млн. сўм, 2012 йилда 4884,1 млн. сўмни ташкил қилган. Йиллар бўйича тақсимланган смета

харажатлари турларига, кўрсатиладиган хизматлар ва асбоб ускуналарнинг нархларининг суммаси йил давомида жами ҳақиқий харажатлари 2010-2012 йилларда мос равишда 3005,2 млн. сўм, 3936,0 млн. сўм, 5130,1 млн. сўм ташкил қилган. 2010-2012 йилларда жами смета бўйича тасдиқланган суммадан йил давомидаги жами ҳақиқий харажатлар 2010 йилда жами смета бўйича тақсимланган суммадан йил давомидаги жами ҳақиқий харажатлар 192,6 млн. сўм кам бўлган. Бу кўрсаткич 2011 йилга келиб, 503,6 млн. сўм, 2012 йилда 246 млн. сўм кўп харажат қилинган.

4. Сув хўжалиги ташкилотларида инновацион фаолликни ривожлантириш истиқболлари


Маълумки, иқтисодиётда ривожланган бозор муносабатларини жорий этиш, иқтисодиёт, шу жумладан сув хўжалигини модернизациялаш ҳамда инновацион ривожлантириш зарурий даражада инфратузилмаларни ташкил этиш асосий шартлардан ҳисобланади.

Ҳозирги вақтгача қишлоқ ва сув хўжалиги тизимида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича инфратузилмалар тизими шакллантирилган. Лекин, айнан сув хўжалиги тизими ва корхоналарини модернизациялаш ҳамда инновацион ривожланиши учун хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар зарурий даражада ривожлантирилмаган. Шу сабабли бизнинг фикримизча республика сув хўжалиги тизимини инновацион ривожлантирувчи инфратузилмаларни асосан бешта йўналишда ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда улар илмий таъминот, кадрлар таъминоти, технологик таъминот, ахборот-консалтинг хизматлари кўрсатиш ва ушбу жараёнларни молиявий таъминоти билан шуғулланувчи инфратузилмалардан иборат бўлади (1-расм).

Келтирилган расмда қайд этилган бешта йўналишдаги инфратузилмалар фаолиятини ҳамоҳанг равишда ташкил этиш ва

такомиллаштириб бориш тизимини инновацион асосда ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари сув хўжалиги тизимида инновацион инфратузилмаларни ташкил этиш ва ривожлантириш самарадорлиги тармоқда илмий-техник ва инновацион салоҳият тўғрисида ягона ахборот тизимини ташкил этилиши билан белгиланади.



1-расм. Республика сув хўжалигини модернизациялаш ва инновацион ривожлантириш инфратузилмаларининг таснифи.

Ягона ахборот тизимини қуйидаги йўналишлардаги ахборот базаларидан иборат бўлиши кўзда тутилади.

- жорий этишга тайёр бўлган инновацион ишланмалар;
- инновацияга юқори талабда бўлган истеъмолчилар;
- жорий этилган инновацияларнинг амалга оширилиши ва уларнинг самарадорлиги тўғрисидаги маълумотлар;
- илмий-техник ва инновацион салоҳият (кадрлар) тўғрисидаги маълумотлар;
- инновацияларни молиялаштириш манбалари ва механизми бўйича маълумотлар;
- инновацион таваккалчилик даражасини камайтирувчи суғурталаш тизимига тааллуқли бўлган маълумотлар базаси.

Бундай ахборот базасининг шаклланиши амалга ошириладиган инновацион жараёнларни тезлаштириш ва самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистонда аграр соҳани модернизация қилиш шароитида қишлоқ ва сув хўжалигини иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларидан ҳимоялаш аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва ижтимоий йўналтирилган тадбирларни янада ривожлантиришда ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ушбу давлатларда мамлакат иқтисодиётини кўтаришда фан-техника ютуқларига асосланган технологияларга устувор йўналиш сифатида эътибор берилади.

Ҳозирги вақтда дунё миқёсида ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича биринчи ўринда турувчи Америка Қўшма Штатларининг қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш, унинг илмий таъминотини молиялаштириш ва илмий-тадқиқот ишларини моддий рағбатлантириш масалаларига боғлиқ тажрибалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки илмий-тадқиқотларни молиялаштиришга йўналтирилган инвестициялар бўйича дунёда юқори ўринни эгаллаб келган. Жумладан, 2007 йилда илм-фанга йўналтирилган умумжаҳон харажатларининг 31,4 фоизи

АҚШ ҳиссасига тўғри келган. Кейинги ўринларни Хитой (15,6 фоиз), Япония (12,8 фоиз), Германия, Франция, Ҳиндистон, Буюк Британия, Жанубий Корея давлатлари эгаллаган.

Шунингдек, АҚШда федерал бюджет умумий харажатларида илмий-тадқиқотларни молиялаштириш сарфи 2007 йилда 28 фоизни ташкил қилган. Лекин, давлатнинг роли илмий-тадқиқотлар ва конструкторлик ишланмаларини тўғридан-тўғри молиялаштиришдан йироқ бўлиб, аксинча интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, илмий-тадқиқот ишларининг истиқболли ва асосий йўналишларини белгилаб бериш, мамлакатни технологик ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва ниҳоят, хусусий ташаббусни ривожлантириш учун шароитлар яратиш механизмларини ҳам ишлаб чиқишдан иборат.

Илмий янгиликлар ва конструкторлик ишланмалар соҳасидаги давлат сиёсатининг ўзига хос хусусияти бўлиб, мамлакат илмий технологик салоҳиятини мустаҳкамлашга бевосита таъсир этувчи услубларга эътибор ва қизиқишни барқарорлаштириш ҳисобланади.

Илмий янгиликлар ва конструкторлик ишланмаларни молиялаштириш динамикасини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, 2000-2010 йиллар давомида ушбу узоқ муддатли тенденция бузилиб, федерал молиялаштириш улуши 2004 йил 30 фоизгача тез суратларда ошган, 2004 йилдан 2010 йилгача 28-29 фоиз даражасида барқарор сақланиб қолган.

XXI аср бошларида илмий-тадқиқотларни молиялаштириш таркибида бюджетдан ажратилган маблағлар салмоғининг ўзгариши алоҳида ўрин тутди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, ўтган минг йилликнинг бошларида АҚШда барча йўналишдаги илмий-тадқиқотларга сарфланган федерал харажатлар қарийб икки марта, жумладан қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган илмий-тадқиқотларни молиялаштириш 1,5 мартага ортган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги илмий таъминотига ажратилаётган инвестициялар илмий-тадқиқотларга сарфланаётган умумий маблағлар суммасининг 1,2 фоизини ташкил қилмоқда. Давлат томонидан илмий-

тадқиқотларни молиялаштиришда турли хил фан соҳаларининг биргаликда тайёрланган йирик илмий лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Давлатнинг инновацион соҳадаги фаол роли жаҳон миқёсида мамлакат рақобатбардошлиги ва миллий хавфсизлигини таъминлашда янги техноғояларнинг юқори ўрин тутиши билан изоҳланади. Америка Қўшма Штатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги ҳолати иқтисодий соҳанинг деярли барча жабҳаларига илмий-техник ва инновацион янгиликлар киритилиши билан характерланади.

Эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳати шундаки, АҚШда фан йўналишлари бўйича тадқиқотчи ва инженер ходимлар тайёрлаш тизими ҳам жамият тараққиётининг ривожланиш босқичларига мос равишда ўзгариб бориши кузатилади. Буни биз қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин (7-жадвал)

7-жадвал

АҚШда фан йўналишлари бўйича тадқиқотчи ва инженер ходимлар сонининг ўзгариши, %

Илм йўналишлари	Йиллар							
	1950	1960	1970	1980	1990	2000	2002	2004
Ҳаётий фанлар	3,8	3,6	3,7	4,9	4,2	4,8	4,4	4,5
Табиий фанлар	13,3	11,4	9,4	7,8	7	8	5,2	4,9
Инженерлик фанлари	76,9	79,5	70,3	63	54,5	40,4	30,3	28,3
Математика ва ахборот технологиялари	2,2	2,1	10,5	15,2	23,5	39,6	51,4	52,7
Ижтимоий фанлар	3,8	3,4	6,1	9,1	10,8	7,2	8,7	9,6
Жами тадқиқотчилар сони	100	100	100	100	100	100	100	100

Таҳлиллар кўрсатишича, фан йўналишлари бўйича илмий тадқиқотчилар сони 1950 йилларда асосан табиий фанлар 13,3 фоиз ва инженерлик фанлари 76,9 фоизини ташкил этган. Математика ва ахборот

технологиялари соҳаси эса жами тадқиқотчиларнинг 2,2 фоизини ташкил этган. 2000 йилга келиб табиий фанлар 8,0 фоизни ташкил этган ҳолда инженерлик ва ахборот технологияси соҳасидаги илмий ходимлар ва инженерлар сони деярли тенг салмоққа, яъни 40,4 ва 39,6 фоизни ташкил этган. 2004 йилга келиб АҚШда фаолият кўрсатаётган жами тадқиқотчи ва инженер ходимлардан ярмидан кўпроғи 52,7 фоизи айнан ахборот технологиялари соҳасида фаолият кўрсатмоқдалар.

Шунингдек, АҚШда 1950 йилда тадқиқотчилар ва инженерлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосан инженерлик йўналишларида бўлиб, уларнинг йириклаштирилган илм йўналишларидаги улуши 76,9 фоизни ташкил этган. 2004 йилда эса, асосий илмий тадқиқотлар математика ва ахборот технологиялари йўналишларида олиб борилиб, уларнинг улуши 2,2 фоиздан 52,7 фоизгача ошган. Инженерлик йўналишларида олиб борилган тадқиқотлар эса 28,3 фоизга камайган.

Бундай ҳолат АҚШ иқтисодиётининг ривожланиш тенденцияларига мантқан тўғри келади.

Маълумки, дунё тажрибасида инновацион фаоллик даражасини белгилашнинг асосий меъзонларидан бири бу қилинган ихтиро ва кашфиётлар учун олинган патентлар сони ва уларнинг йиллар ҳамда иқтисодиёт тармоқлари бўйича ўсиши ҳисобланади (8-жадвал).

Жадвалда келтирилган кейинги ўн йиллик маълумотларидан кўриш мумкинки, бу борадаги яққол устунлик Япония ва АҚШ давлатларига тегишлидир. Яъни, 1997 йилда Японияда 401618 та патентлар олинган бўлса, АҚШда 220496 тани ташкил этган. 2006 йилга келиб етакчилик АҚШга ўтиб 425966 тани Японияда эса 408674 тани ташкил этган.

Шунингдек, Германия, Франция, Жанубий Корея ва Россия каби давлатларда ҳам ихтиро ва кашфиётлар учун олинган патентлар сонининг барқарор даражада ўсиш кўрсаткичларига эга бўлганлиги кузатилади. Бу ўз навбатида юқорида номлари қайд этилган давлатларда илмий-техник ва инновацион ривожланиш юқори даражада эканлигидан далолат беради.

**Айрим ривожланган давлатларда кашфиёт ва ихтиролар бўйича
патентлар олинishi тўғрисида маълумот**

Йиллар	Давлатлар						
	Россия	Буюк Британия	Германия	Жанубий Корея	АҚШ	Япония	Франция
1997	19992	28109	55729	92684	220496	401618	16889
1998	21362	29613	57366	75233	236979	402095	16795
1999	24659	31732	59531	80642	265763	404457	16874
2000	28688	32747	62142	102010	295895	419543	17353
2001	29989	32081	60475	104612	326471	440248	17104
2002	29225	31531	58187	106136	334445	421805	16908
2003	30651	31624	58481	118651	342441	413093	16850
2004	30192	29954	59234	140115	356943	423081	17290
2005	32254	27988	60222	160921	390733	427078	17275
2006	37691	25745	60585	166189	425966	408674	17249
2007	39439	-	-	-	-	-	-

Бундан ташқари илмий муассасаларнинг илмий ва илмий техникавий салоҳиятини белгиловчи муҳим кўрсаткич уларнинг асосий фондлар билан таъминланганлиги ва асосий фондлар билан қуролланганлиги ҳисобланади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва хориж мамлакатларининг илмий муассасаларининг фондлар билан таъминоти даражаси бир хил эмаслигини кўрсатмоқда. Жумладан, Россия федерациясида Россия қишлоқ хўжалиги Академиясига қарашли илмий тадқиқот институтининг Умумроссия фанининг асосий воситаларидаги улуши сўнгги йилларда камайиш суръатида борганлигини кўрсатмоқда.

Россия аграр илмий фанини асосий фондлар ва лабораториялар махсус ускуналари билан таъминланиш ҳолати ривожланган давлатлар аграр илм фанини асосий фондлар билан қуролланганлигига нисбатан бир неча маротаба орқада қолганлигини кўрсатади. Бунинг асосий сабаби, собиқ

иттифоқ тизимида интеллектуал мулкка бўлган талабнинг чекланганлиги билан изоҳланади.

Илмий тадқиқот ишларига ажратилаётган маблағлар ҳақидаги статистик маълумотларга кўра, дунёнинг 18 та ривожланган мамлакатларида ўтган асрнинг 30 йилларида (1961-1965 йилларидан бошлаб 1990 йилларгача) аграр соҳадаги илмий ишларга ажратилган маблағларнинг шу давлатлар ялпи ички маҳсулотига нисбатан улуши 0,1 фоиздан 2,2 фоизгача ўсган. Бу кўрсаткич АҚШда 1,3 дан 2,2 фоизга кўтарилган. Шу давр ичида Австралияда аграр соҳадаги тадқиқотларга ажратилаётган маблағларнинг ЯИМдаги улуши 1,5 дан 4,4 фоизга, Жанубий Африка республикасида 1,4 дан 2,6 фоизга ўсган.

Жанубий Африка республикасида ташқари 17 та Африка давлатларида бу кўрсаткич 0,4 дан 0,6 фоизгача кўтарилган.

Таҳлил қилинаётган даврда аграр тадқиқот ишларига ажратилаётган маблағларнинг камайиши Хитой Халқ Республикасида ҳам кузатилган.

Россия Федерациясида умумий аграр соҳа илмий таъминотига йўналтирилган маблағнинг бевосита илмий тадқиқот ишларига 72,1 фоизи, коммунал хизматларга 4,3 фоизи, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга 22 фоизи сарфланган. Илмий ишларга бўлган харажатларнинг 63,2 фоизи давлат секторига, 32 фоизи тадбиркорлик секторига ва 4,6 фоизи олий таълим секторига тўғри келган. Аграр соҳа илмий таъминотига сарфланган харажатларнинг асосий қисми давлат мулкига (97,5 фоизи), маҳаллий ва хусусий мулкчиликка 0,4 фоизи ва қолган 2,1 фоизи аралаш мулкчиликка тўғри келган.

Шундай қилиб, Россия Федерациясида аграр соҳа илмий таъминоти харажатларининг асосий қисми яъни, 62,9 фоизи федерал даражага тўғри келган. Соҳа институтларига 22,2 фоиз, университетлар ва олий ўқув юртларига 4,3 фоизи ҳамда бошқа ташкилотларга (конструкторлик бюролари, лойиҳалаш ташкилотлари ва тажриба-станцияларига) 10,6 фоизи тўғри келган.

Россия қишлоқ хўжалиги фанлари академияси тизимидаги институтларда олиб борилган таҳлил маълумотларига кўра, илмий тадқиқот ишларига бюджетдан ажратилаётган маблағ миқдори 5-10 марта, баъзи институтлар бўйича 15, ҳатто 30 мартага камайиб кетган.

Хитой Халқ Республикасида илмий тадқиқот ишларига ажратилаётган умумий маблағ ЯИМнинг 0,5 дан 0,7 фоизгачани ташкил қилмоқда, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларига ажратилаётган қисми 0,2 фоизни, баъзи йилларда эса 0,1 фоизни ташкил қилган. Бу кўрсаткич АҚШ, Буюк Британия, Япония ва Италияда 1,6 фоиздан 2,0 фоизгача бўлмоқда. Кўпгина ривожланаётган давлатларда эса бу кўрсаткич 0,4 фоизни ташкил қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Хитойда ҳар ўн минг қишлоқ аҳолисига 4 та қишлоқ хўжалиги соҳасида иш олиб бораётган илмий ходимлар тўғри келади. Ривожланган мамлакатларда эса бу кўрсаткич 40 кишини ташкил қилмоқда.

Хитойда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг 90 фоизи ишлаб чиқариш технологияси устида бўлмоқда. Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг 55 фоизи деҳқончилик соҳасига тўғри келмоқда. АҚШда эса 70 фоизи илмий салоҳият маҳсулотни етиштирилганидан кейинги технологияга қаратилган. Шунингдек, жами бўлиб 1138 та қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқот муассасалари мавжуд бўлиб, шулардан 60 таси қишлоқ хўжалиги вазирлиги тасарруфида, 452 таси провинциялар ва 626 таси округларга қарайди. Ихтисослиги бўйича 667 та ўсимликшунослик, 122 та чорвачилик, 118 та балиқчилик, 61 та янги ерларни ўзлаштириш, 170 таси қишлоқ хўжалигини механизациялаш йўналишлари бўйича тадқиқот ишларини олиб боради. Жами бўлиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида 120 минг киши илмий тадқиқот ишлари бўйича банд.

Хитойда қишлоқ хўжалиги бўйича жуда илмий тадқиқот ишларини Хитой Фанлар Академияси, Хитой қишлоқ хўжалик фанлари академияси,

Хитой ўрмончилик академияси, Хитой балиқчилик академияси, Хитой тропик қишлоқ хўжалик фанлари академияси ва бир қатор йирик Университетлар олиб борадилар.

Олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари давлат маблағи ҳисобидан молиялаштирилади. Тадбиркорлик таркиби бўйича молиялаштириш янги йўналиш бўлиб, етарли даражада ривожланмаган.

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг бир қисми махсус тузилган Давлат табиий фанлар жамғармаси орқали амалга оширилади. Бу жамғарма 1986 йилда ташкил қилинган бўлиб, 2000 йилда турли лойиҳаларга 1 млрд. юандан ортиқроқ маблағ ажратган.

Хитой қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари уч тизимга бўлинган:

1. Амалий тадқиқотлар тизими.
2. Фундаментал тадқиқотлар тизими.
3. Қишлоқ хўжалигида янги технологиялар ишлаб чиқиш тизими.

Ривожланган мамлакатлар тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, аграр соҳадаги илмий изланиш ишларига ажратилган маблағлар ЯИМнинг камида 1 фоизини, соҳа даромадининг эса 1,2-1,5 фоизини, ҳар бир 10,0 минг қишлоқ аҳолисига илмий соҳада иш олиб бораётганларнинг сони 40 кишини ташкил қилиши лозим.

Мазкур шароитда, аграр соҳадаги илмий изланишлар қўлами соҳанинг барқарор ривожланишини таъминлаши мумкин. Шу билан биргаликда, илмий салоҳиятни мустаҳкамлаш мақсадида илмий ходимларнинг иш ҳақини ошириш, институтлар лабораторияларини замонавий асбоб ускуналар билан жиҳозлаш имконияти яратилади.

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг кўпроқ қисми маҳсулот етиштиришга нисбатан маҳсулот етиштирилгандан кейинги технологик жараёнларни такомиллаштириш мавзуларига бағишланиши лозим. Бу эса ўз навбатида агросаноат мажмуида қўшилган қиймат яратиш ва кўпайтириш имкониятини кенгайтиради.

Хитой қишлоқ ва сув хўжалигида илмий изланишлар ва уларнинг натижаларини жорий қилиш, илмий изланишларни молиялаштириш жараёнларини бир тизим асосида йирик дастурлар бўйича олиб бориш тажрибаси ва унинг ютуқлари хўжаликни ривожлантириш тадбирларини фан технология ютуқлари билан боғлаш ва илмий изланишларни молиялаштириш; инвестициялар жалб қилиш; турли молиявий институтларнинг кредитлари, давлат ва провинциялар бюджетидан ҳамда корхоналар маблағларини жалб қилиш асосида илмий изланишлар кўламини кенгайтириш, илмий ходимлар сонини оширишнинг янги йўналишлари бўйича илмий муассасаларни очиш тажрибасини ўрганиш ва республикамиз қишлоқ ва сув хўжалиги тизимида қўллаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Республикага чет эл инвестицияларнинг катта оқими қўшма корхоналар орқали ҳам таъминланмоқда. Ўзбекистон учун бозорга ўтиш босқичда тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарадиган саноат тармоқларида янги қўшма корхоналар барпо этиш орқали жалб қилинади. Бу билан янги технологияларни, интеллектуал салоҳиятни ва бошқариш тизимини ривожлантириш таъминланди. Бу борада инвестиция муҳитини яхшилаш, қўшма корхоналарни ташкил қилишда ва янги лойиҳаларга тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари оқимини ҳар томонлама рағбатлантириш, қонун ҳужжатларини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш асосий вазифа ҳисобланади. Шу билан бир қаторда тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича узоқ муддатли дастурда хом-ашё етказиб берувчига айланиб қолмаслик ва мамлакат минтақаларида экологик зарарли ишлаб чиқаришни ташкил этмаслик кафолатларини таъминлайдиган мақсадларга эришиш механизмлари ишлаб чиқирилиши лозим.

Чет эллик инвесторларнинг биз учун керакли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига маблағлар киритиш рағбатларини умуман мамлакатда тадбиркорликнинг жадал ривожланишидан изламоқ керак. Бундан ташқари

бизнинг фикримизча, ҳозирги босқичда янги лойиҳаларга тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари оқимини кўпайтиришни жадаллаштирадиган рағбатларни ишга солиш мақсадга мувофиқдир. Қабул қилувчи мамлакатнинг тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидан кўрадиган самараси унинг савдо ва инвестиция сиёсатига боғлиқдир. Инвесторларнинг ҳуқуқларини каттик чеклашлар йўли билан хаддан ташқари тартибга солиш, мулк ҳуқуқининг ҳимояланмаганлиги, ривожланмаган инфратузилма, иқтисодий ўсиш суръатларининг тебраниб туриши, сурункали бюджет тақчиллиги каби ходисалар, жаҳон амалиётида тасдиқланганидек, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг кенг оқиб келишига тўсқинлик кўрсатади.

Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун кучайиб бораётган рақобатда инвестиция киритиш эҳтимоли бўлган мамлакатдаги қулай инвестиция тартиботи омили муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ривожланаётган мамлакатларда тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг анча ўсганлигига қарамай, кейинги ўн йилликда уларнинг асосий қисми сон жиҳатдан унчалик кўп бўлмаган давлатларга киритилмоқда. Натижада Гонконг, Индонезия, Малайзия, Сингапур, Тайвань ва Таиланд каби мамлакатлар иқтисодиётининг шиддатли ўсиши тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳажмининг кескин ўсиши кузатилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётини таркибий қайта қуриш тубдан янгилашни, мавжуд ускуна-жиҳозлар паркини алмаштиришни, янги технологиялар сотиб олишни, юқори малакали кадрлар тайёрлашни, илғор тажрибаларни жалб қилишни талаб этади.

Мамлакатимизга чет эл капиталини кенг миқёсда жалб қилишни, бизнинг назаримизда, имкониятга қараб ссуда капитални ёки қарзлар шаклида эмас, балки тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари кўринишида амалга ошириш лозим. Янги лойиҳаларга киритиладиган тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари энг замонавий технологиялар ва жиҳозлар билан қуроллантириш ва жаҳон бозорига қисқа муддатларда чиқишини таъминлайди. Бунинг натижасида чет эл капитални киритилган тармоқларда

мамлакат экспортининг ривожланиши ва кенгайиши тезлашади. Буларни амалга ошириш учун узоқ муддатли алоқалар йўлга қўйилиши, ҳар икала томон эҳтимоли бўлмиш рисклар билан тўқнашишга тайёрлиги ва мамлакатлар ўртасида ишончли алоқаларнинг мустаҳкамланиши талаб этилади.

Иқтисодийни модернизациялаш жараёнида Ўзбекистон учун тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини сув ҳўжалиги тармоқлари учун янги лойиҳаларга жалб этиш афзалроқ. Бунинг учун тизимнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, янги лойиҳаларга тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари оқимини ва қўшма корхоналар ташкил қилишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантирувчи қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш мавжудларини эса такомиллаштириш лозим. Чет эл инвестицияларини амалга оширишга доир амалдаги вақтинчалик шартларни халқаро шартномалар тамойилларига мувофиқлаштириш керак, айрим мамлакатлар ва аниқ инвесторлар учун имтиёзлар ва рағбатларни ҳал қилинадиган вазифаларга боғлиқ ҳолда белгилаш лозим бўлади.

Сув ҳўжалигида инновацион жараёнларни ривожлантиришда энг муҳим шартлардан бири ахборот таъминоти ҳисобланади.

Шу сабабли барча ривожланган хорижий давлатларда ахборот-консалтинг ва инжиниринг хизматлари кўрсатувчи тизим шакллантирилган бўлиб, уларни бир қисми тадбиркорлик субъектлари бўлса, бир қисми давлат томонидан молиялаштирилувчи ташкилотлар ҳисобланади ва инновацион тарбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бир кўриниши (шакли)дир.

АҚШда ахборот хизмати кўрсатиш тизими қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги таркибида ҳудудий ахборот хизматлари эса илмий ва ўқув фаолияти билан шуғулланувчи университетлар қошида ташкил этилган. Улар давлат ва маҳаллий бюджет томонидан молиялаштирилади.

Англияда ахборот-маслаҳат хизмати давлат ва хусусий секторда ташкил этилган. Хизматларни кўрсатиш давлат тузилмалари юксак илмий

салоҳиятга эга бўлган илмий муассаса ва олий таълим институтлари қошида хусусий корхоналар эса кўп тармоқли йирик ва алоҳида йўналишларга ихтисослашган фирмаларни ташкил этади.

Дания давлатида ҳам ахборот консалтинг хизмати икки даражали бўлиб, биринчи умуммиллий иккинчиси маҳаллий даражада қишлоқ ва сув хўжалиги тизимида мустақил илмий-тадқиқот ва тажриба ишларини олиб боровчи қишлоқ хўжалиги маркази бўлиб, улар томонидан тайёрланган илмий ишланмалар маҳаллий даражада фаолият юритаётган “Фермерлар маркази”га тақдим этилади. Бундай марказлар бевосита турли деҳқонлар уюшмалари ва кичик ҳажмдаги ер майдонларига эга бўлган фермер ва деҳқонлар билан иш олиб боради.

Германияда бундай хизмат кўрсатувчи давлат ташкилотлари бўлиб, деҳқончилик (ер) уюшмалари фаолият юритадилар. Улар асосан қишлоқ хўжалиги вазирлиги орқали иш олиб борадилар. Шу билан бирга хусусий ахборот-маслаҳат хизмати корхоналари ҳам ташкил этилади. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу хусусий корхоналар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг 50 фоизи давлат бюджетидан бериладиган субсидиялар ҳисобидан молиялаштирилади. Австрия, Венгрия, Хитой ва Франция каби давлатларда ҳам ахборот-маслаҳат хизматлари шу тартибда ташкил этилган.

Шунингдек, дунё тажрибасида асосий илмий-техник ва инновацион салоҳият асосан йирик илмий марказларда тўпланган бўлиб, улар билан биргаликда кичик инновацион корхоналар ҳам тенг шароит ва яқин ҳамкорликда ишлаши йўлга қўйилган.

Демак, ғарб давлатларида кичик инновацион тадбиркорликнинг юқори даражада ривожланишига уларнинг йирик илмий марказлар қошида ташкил этилиши ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши билан боғлиқдир.

Инновацион фаолиятни молиялаштириш асосан икки йўналишда амалга оширилиши йўлга қўйилган.

Биринчи йўналиш – Давлат агентликлари ва вазирликлар томонидан бюджет маблағлари ҳисобидан мақсадли субсидиялаш;

Иккинчи йўналиш – инновацион фаолиятни ривожлантиришга кўп сонли мулкдорлар ҳисобига шаклланадиган венчур корхоналари маблағлари.

Инновацион жараёнларни ривожлантиришнинг хорижий тажрибалари таҳлили натижаларини умумлаштирган ҳолда таъкидлаш мумкинки, юқори даражада ривожланган хорижий давлатлар томонидан юритилаётган илмий-техник ва инновацион сиёсат асосан икки муҳим мақсадни кўзда тутди, яъни:

1. Аниқ ҳудудларнинг ўзига хослиги ва уларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳудудий илмий-техник салоҳиятни сақлаш ва доимий равишда ривожлантириб бориш. Бунда асосий эътиборни биринчи навбатда фундаментал тадқиқотларга эътибор қаратилади.

2. Давлат томонидан илмий-техник ва инновацияларни таъминловчи ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлар қабул қилиш орқали қулай “инновацион муҳит”ни шакллантириш.

Умуман олганда инновацион сиёсат, умуман иқтисодиётни инновацион ривожлантириш жараёнларини амалга оширишнинг жаҳон тажрибаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ушбу жараён учта гуруҳ концепцияларга асосланади.

1. Институционал тузилмаларни инновацион ривожлантириш концепцияси. Ушбу концепция миллий иқтисодиёт ва унинг барча тармоқларини ривожлантиришда илмий техника тараққиёт ютуқларини тадбиқ этиш жараёнларни амалга оширишда давлат ва хусусий бизнес вакиллари биргаликдаги ҳаракатларини кўзда тутди. Ушбу концепция иқтисодий адабиётларда шартли равишда “Америка” концепцияси деб юритилади.

2. Иқтисодиётни устувор тармоқларини аниқланган ҳолда ушбу тармоқларни инновацион ривожлантириш, илмий-техник салоҳиятини ошириш, инвестицияларни жалб қилиш ҳамда молиялаштиришни узок муддатга мўлжалланган ривожлантириш концепциялари ишлаб чиқилади ва

амалга оширилади. Бу концепция инновацион ривожланишнинг “Шарқ” концепцияси деб юритилади.

3. Иқтисодиёт ва таълим тизимида илмий техник салоҳиятни шакллантириш ва ривожлантириш орқали, миллий маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилади. Ушбу жараён асосан кам сонли ва катта имкониятларга (қувватларга) эга бўлган компания ва корпорациялар иштирокида амалга оширилади. Инновацион ривожланишнинг мазкур йўналиши “Европа” концепцияси деб юритилади.

Шунингдек ривожланган хорижий давлатлар тажрибалари шунини кўрсатмоқдаки, иқтисодиёт, шу жумладан қишлоқ ва сув хўжалигини инновацион ривожлантириш уни молиялаштириш даражасини доимий равишда ошириб боришни талаб қилади, яъни давлат бюджетидан илм-фанни ривожлантиришга йўналтирилаётган маблағлар салмоғини ошириб боришни кўзда тутди. Хусусан илмга йўналтирилаётган маблағларнинг йиллик ўртача ўсиш миқдори АҚШда 4,6 фоиз, Германияда 2,3 фоиз, Буюк Британияда 2,7 фоиз ва Францияда 5,5 фоизни ташкил этган. Бундан ташқари ушбу давлатларда инновацион фаолият билан шуғулланувчи корхоналарга солиқ имтиёзлари ва имтиёзли узоқ муддатли кредитлаш тизимлари жорий этилган.

Бир сўз билан айтганда, ривожланган хорижий давлатларнинг илмий техник сиёсати 2 та асосий мақсадни, яъни миллий илм-фан салоҳиятини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда унинг ютуқларини аниқ ҳудуд ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга йўналтириш ва фундаментал тадқиқотларни ривожлантиришга қаратилади. Ушбу давлатларнинг аксарият қисмида инновацион ривожлантиришнинг махсус ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилиб амалга оширилади.

Бизнинг фикримизча, республикаимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва инновацион ривожлантириш жараёнларига юқорида қайд этилган 3 та концепциянинг мақбул жиҳатларини танлаб олиш ва қўллаш лозим бўлади.

Хусусан, республика сув хўжалигини инновацион ривожлантиришда тармоқни инновацион ривожлантиришни узоқ муддатга мўлжалланган

махсус дастурини ишлаб чиқиш (“Шарқ” концепцияси) ва шу дастур асосида босқичма-босқич бажарилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Чунки ҳозирги вақтда “Аму-Қашқадарё” ирригация тизимлари хавза бошқармасидаги мавжуд кувватлар, техника ва технологияларнинг нафақат физик, балки маънан эскирганлиги ушбу жараёни тез ва қисқа муддатларда бажариш имкониятини чеклайди.

Бу борада хавза бошқармасида ҳам бир қанча ижобий ишлар қилинган. Жумладан, 2012 йилда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурига асосан вилоятда 26 та лойиҳа асосида 16 млрд. 337 млн. сўмлик ишлар, шундан, 12 та лойиҳа асосида 10 млрд. 797 млн. сўмлик, 140,9 км узунликда зовурларни қуриш ва реконструкция қилиш объектлари ҳамда 14 та лойиҳа асосида 5 млрд. 590 млн.сўмлик, 700 км узунликдаги зовурларни тизимли таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, 2012 йилнинг 31 октябр ҳолатига 569,2 км узунликда, 12 млрд. 202 млн.сўмлик ёки йиллик режага нисбатан 74 фоизга, ишлар амалга оширилди. Ушбу ишларга 92 дан ортиқ эксковатор, 30 та бульдозерлар жалб этилди.

“Осиё тараққиёти банки иштирокида Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш” лойиҳаси доирасида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиланиши Ғузор, Қамаш ва Косон туманларида 74 минг гектарни ташкил қилади.

Лойиҳа майдонида 500 км узунликдаги магистрал ва хўжаликлараро коллекторларни таъмирлаш, 27 дона гидротехник иншоотларни қуриш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиши белгиланган. Шундан:

1. Қамаш ва Ғузор туманларидаги умумий узунлиги 161,323 км ни ташкил қиладиган Д-2 коллектори тизимидаги хўжаликлараро коллекторларни қайта тиклаш (пудратчи “Ҳисорақгидроқурилиш” МЧЖ) лойиҳасининг тендер қиймати 6482 млн. сўм бўлиб, шундан 2012 йил режаси 3 млрд.107 млн. сўмни ташкил этади.

Жорий йилнинг 31 октябр ҳолатига объектда жами 2 млрд. 709 млн. сўмлик ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда объектга 24 та экскаватор, 10 та бульдозер жалб қилинган.

2. Косон туманидаги умумий узунлиги 101,7 км ни ташкил қилган “МК” ва “Главный” коллекторлар тизимидаги хўжаликлараро коллекторларни қайта тиклаш (пудратчи “Нурбек” ХК) лойиҳасининг тендер қиймати 2382 млн. сўм бўлиб, шундан 2012 йил режаси 1 млрд. 172 млн.сўмни ташкил этади. 31 октябр ҳолатига объектда 811,93 млн. сўмлик ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда объектга 16 дона экскаватор, 4 та бульдозер жалб қилинган.

Халқаро тараққиёт банки иштирокида «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш 2-босқич» лойиҳаси бўйича «Ирригация ва дренаж тармоқларини қайта тиклаш» компоненти доирасида белгиланган Миришкор туманидаги қурилиш қиймати 885,0 млн.сўмлик 22,2 км узунликдаги ЮК-5, ЮК-5-1 ва БК хўжаликлараро коллекторларни қайта тиклаш ва таъмирлаш объекти бўйича пудратчи ташкилот МРСУ-36 ХК томонидан 31 октябр ҳолатига 512,0 млн.сумлик тупроқ ишлари амалга оширилди. Ушбу объектга 13 дона экскаватор ва 4 дона бульдозерлар жалб этилган.

Ушбу ишларни янада самарали давом эттирилиши сув хўжалиги тизими инновацион асосда ривожланишида ёрдам беради. Бу эса, сув хўжалиги ташкилотларининг моддий-техника базасини замонавий техника ва технологиялар ёрдамида мустаҳкамлашда хизмат қилади.

Сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари

Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги 320-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2003 йил 29 июлдаги 121-сонли буйруғи асосида ташкил этилиб, ҳавза бўйича ҳудудий орган ҳисобланади.

Ҳавза бошқармаси ўз фаолият кўрсатаётган сув ҳавзасида сув ресурсларини бошқариш ва фойдаланишни тартибга солишда ягона сиёсат ўтказилиши учун масъул ҳисобланади.

Ҳавза бошқармасининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- сувдан фойдаланишнинг бозор принципларини ва механизмларини жорий этиш асосида сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини ташкил этиш;

- сувни тежовчи илғор технологияларни жорий этиш асосида сув хўжалигида ягона техника сиёсатини юритиш;

- истеъмолчиларни сув билан узлуксиз ва ўз вақтида таъминлашни ташкил этиш;

- магистрал тизим, ирригация тизимлари ва сув хўжалиги иншоотларининг техник ишончлилигини таъминлаш;

- магистрал тизим, ирригация тизимидан ишончли фойдаланиш ва уни иш ҳолатида сақлаш учун уни тайёрлашни ташкил этиш;

- ҳавза ҳудудида сув ресурсларини оқилона бошқариш ҳамда унинг тезкорлигини ошириш;

- сув истеъмолчилари бўйича сув ресурсларидан фойдаланишнинг ишончли ҳисоби ва ҳисоботини таъминлаш.

Ҳавза бошқармаси қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- сувдан фойдаланиш режаларини умумлаштиради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига сув олиш лимитлари бўйича таклифлар киритади;

- ҳавза бўйича Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган лимитлар асосида вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, магистрал тизим, ирригация тизими бошқармаларининг таклифларини ҳисобга олиб иқтисодиёт тармоқлари, айрим алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари, магистрал тизим, ирригация тизимлари, маъмурий вилоят ва туманлар бўйича сув олиш лимитларини белгилайди. Тизимлараро насос станциялари иш режимини белгилайди;

- ҳавза, магистрал тизим ва ирригация тизимлари бўйича ер усти сув ресурсларини бошқаради, улардан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини ташкил этади;

- ҳавза сув хўжалиги тизимидан фойдаланишнинг ишончлилигини таъминлаш ва уни ривожлантириш, ресурсларни тежайдиган технологияларни, сувдан фойдаланишнинг бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига таклифлар киритади ва уларнинг бажарилишини ташкил этади;

- ҳавза бўйича белгиланган лимитларга риоя этилишини ҳамда сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини назорат қилади, «Ўзсувназорат» инспекцияси бўлинмалари билан биргаликда сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартибига риоя этилишини назорат қилишда қатнашади;

- ҳавза, ирригация тизимлари, иқтисодиёт тармоқлари, маъмурий туманлар, манбалар ҳамда алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари бўйича белгиланган тартибда сув бериш ва сув олиш ҳисобини, шунингдек ҳисоботини юритади;

- сув ресурслари балансини тузади, умуман ҳавза, магистрал тизим, ирригация тизимлари, иқтисодиёт тармоқлари, маъмурий вилоят, туманлар, манбалар ва айрим алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари бўйича «Сувдан фойдаланиш» бўлими бўйича сув кадастрини юритади;

- давлат сув хўжалиги тизимларини сув ўлчаш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлашни, сув ресурсларини бошқаришда алоқа,

автоматика ва телемеханиканинг замонавий тизимларини жорий этишни, шунингдек уларнинг метрологик таъминотини ташкил этади;

- айрим ирригация тизимларининг, магистрал тизим сув таъминотини оширишга доир таклифлар тайёрлайди ва уларни амалга оширади;

- умуман ҳавза бўйича сув хўжалигини истиқболли ривожлантириш схемаларини тузиш, шунингдек инвестиция дастурларига киритиш учун ирригация тизимлари ва иншоотларини замонавийлаштириш, реконструкция қилиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, техника билан қайта жиҳозлаш бўйича таклифлар тайёрлайди, инвестиция лойиҳаларида қатнашади ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

- ҳавза тасарруфидаги ташкилотларнинг хўжалик фаолияти бўйича тушган маблағларидан мақсадли фойдаланиш бўйича смета-харажатларни тасдиқлайди;

- бюджетдан ва бошқа манбалардан тушган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлайди.

Сув ресурсларини бошқаришнинг ҳудудий принциpidан ҳавза принциpigа ўтиш сув хўжалиги тизимида қуйидаги ижобий натижаларга эришишга олиб келди ва бир қатор имкониятларни яратди:

- бир неча маъмурий ҳудудлардан ўтадиган ирригация тизимини бир ҳавза бошқармаси билан бошқариш;

- маълум ирригация тизими ҳавза учун сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, илғор технологияларни кенг жорий этиш, истеъмолчиларни ўз вақтида сув билан узлуксиз таъминлаш;

- ирригация ва мелиорация иншоотларининг ҳолатини яхшилаш, техник ишончлилигини ошириш;

- сув манбаи бўйича барча истеъмолчиларни уларнинг талабига қараб пропорционал таъминлаш;

- истеъмолчилар бўйича сув ресурсларидан фойдаланишнинг аниқ ҳисобини таъминлаш бўйича ягона сиёсат олиб бориш;

- сувдан фойдаланишни режалаштириш ва тақсимлашни ҳамда

бошқаришни илмий асосда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- сув манбаи билан сувни бевосита истеъмолчилари ўртасида ортиқча оралик бўғинларини бартараф этиш;

- сув хўжалиги ташкилотлари раҳбар ва ходимларнинг масъулиятини ошириш ҳамда сувдан фойдаланиш интизомига риоя қилиш;

- бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилишни енгиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш.

Сув хўжалигини бошқаришнинг ҳудудий принципига ўтиш натижасида сувдан фойдаланиш режаларини ишлаб чиқиш, сув олиш ва ундан фойдаланиш бўйича лимитларни белгилаш, сув олиш ва ундан фойдаланиш юзасидан шартномалар тузиш, сув ресурслари балансини ишлаб чиқиш ва ҳужжатларда тубдан ўзгаришлар юзага келди.

Ишлаб чиқариш жараёнида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

Мехнат муҳофазасини бошқариш корхонани бошқариш тизимининг бир қисмидир. Мехнат муҳофазасини бошқаришни корхона бошлиғи (бош инженер) ва булим бошликлари олиб боради.

Мехнат муҳофазасини бошқариш - бу мехнат жараёни вақтида ишловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, иш қобилиятини ва соғлигини сақлаш буйича ташкилий, техник, санитар-гигиеник, даволаш - олдини олиш ва бошқа чора-тадбирларни тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга оширишдир.

Мехнат муҳофазасини бошқариш тизимининг асосий вазифалари қуйидагича:

1. Ишловчиларни мехнат хавфсизлигига уқитиш ва мехнат муҳофазаси масалаларини ташвиқот қилиш.
2. Бино ва иншоот, ишлаб чиқариш жараёнлари ва асбоб-ускуналарининг хавфсизлигини таъминлаш.
3. Мехнат шароитининг санитар-гигиеник ҳолатини меъёрлаштириш.
4. Ишловчиларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш.
5. Ишловчилар учун мақбул иш ва мехнат шароитини яратиш.
6. Ишловчилар учун даволаш-олдини олиш тадбирларини режалаштириш ва амалга ошириш.
7. Алоҳида мутахассисликлар буйича касбий танлов утқизиш.
8. Ишловчиларга санитар-маиший хизмат курсатиш ва хоказо.

Қишлоқ хўжалик қорхоналари мансабдор шахсларининг мехнат муҳофазаси буйича асосий вазифалари:

- мехнат муҳофазаси ҳолатини доимий назорат қилиш;
- ҳамма ишловчилар томонидан МХСТ меъёр ва қоидалар, қўриқномаларга амал қилишни талаб қилиш;
- механизациялаштирилган, автоматлаштирилган илғор технологик жараёнларни тадбиқ қилиш;

- ишловчиларни хавфсиз меҳнат килиш услубларига уқитиш;
- меҳнат муҳофазаси бўйича уз вақтида сифатли йуриқнома-лар утказиш;
- ишловчиларни шахсий химоя воситалари билан таъминлаш;
- юқори хавфли машина ва механизмларни уз вақтида рўйхатдан утказиш ва текширувдан утказишни назорат килиш;
- иш уринлари ва ишлаб чиқариш хоналарида аттестация ва паспортизация утказишни таъминлаш;
- меҳнат муҳофазаси бўйича комплекс ва тезкор режалар, шартнома, келишувларни тайёрлаш ва утказишни таъминлаш;
- қабул қилинган низомга асосан бахтсиз ходисаларни текширишда катнашиш ва ҳ.к.

Меҳнат муҳофазаси инженери Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларнинг асосий ташкилотчисидир. У корхона бошлигига бўйсунди, лекин корхонада Меҳнат муҳофазаси бўйича раҳбарнинг бўлим бошликлари ёки бош мутахассиснинг вазифаларини уз зиммасига олмайди. У ҳар бир бўлимда Меҳнат муҳофазаси талабларига амал килишни назорат қилади. Юқори хавфли техникаларни текшириш, синаш, рўйхатга олиш ишларида, ҳамда янгилари ишга тушириш жараёнида иштироқ қилади. Ишчиларни меҳнат хавфсизлигига ўқитишда, билимини текширишда қатнашади. Меҳнат хавфсизлигига ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини кузатиб боради. У ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ходисаларнинг ҳисобини олиб боради, уларни текширишда катнашади, сабабларини аниқлайди ва улар қайта такрорланмаслиги учун таклифлар киритади.

Меҳнат муҳофазаси бўйича ҳамма ишлар, ҳар қандай мураккаб ишга ухшаб, олдиндан тузилган режа асосида олиб борилиши керак. Асосий режа, номенклатура чора-тадбирларининг режасини ишлаб чиқишдир, чунки у жамоа ва маъмурият томонидан узаро келишув асосида тасдиқланиши керак.

Номенклатурага асосан келишув куйидаги тадбирларни уз ичига олади:

- 1) жарохатланишларнинг олдини олиш буйича;
- 2) касалланишларнинг олдини олиш буйича;
- 3) меҳнат шароитини умумий юксалтириш буйича;

Келишувда тадбирлар руйхати, таннархи, амалга ошириш вакти ва жавобгар шахс фамилияси кайд килинади.

Келишув корхона рахбари ва касаба уюшма томонидан ифодаланади.

Чора-тадбирларни бажаришга корхона ҳар йили маблағ ажратиши ва маблағ факат шу соҳага ишлатилиши лозим. Акс ҳолда маъмурият қонун олдида жавоб беради.

Маблагни сарфлаш касаба уюшмаси томонидан назорат килинади. Бундан ташқари, корхона ҳар йили юқори ташкилотга амалга оширилган тадбирлар ва маблағ сарфи тўғрисида ҳисобот бериши лозим.

Ишловчиларни меҳнат ҳавфсизлигига уқитиш урта, урта махсус ва олий мактаблардан бошланади.

Ишлаб чиқаришда эса ишчилар қуйидаги тартибда ўқитилади:

а) техника ҳавфсизлиги бўйича йўриқномалардан ўтказиш:

1. Кириш йўриқномаси;
2. Бирламчи йўриқнома;
3. Такрорий йўриқнома;
4. Режадан ташқари йўриқнома.
5. Жорий йўриқнома.

б) Курс ўқитишлари. Хужаликларда ҳар йили 1 марта, январда олиб борилади.

в) Малака ошириш факультетларида ўқиш.

Ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш Вазирлар Маҳамасининг 1997 йил 6 июндаги 286 – қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш

тўғрисида Низом”га асосан олиб борилади. Ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олишнинг мажбурийлиги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни"да ҳам кўрсатиб ўтилган (4-модда).

Текшириш ва ҳисоб-китоб қилиш шу воқеа қайта такрорланмаслиги; жароҳатланиш сабаблари ва омилларини аниқлаш учун, айбдорларни аниқлаш учун қилинади. Текшириш натижалари бўйича “Н-1” шаклдаги махсус далолатнома 3 та нусхада тўлғазилади (баъзи ҳолларда 4 та нусхада тўлдирилади).

Ҳар бир корхона йил охирида юз берган бахтсиз ҳодисалар тўғрисида махсус тасдиқланган формага асосан ярим йиллик ва бир йиллик (9-Т форма) қилиб ҳисобот тузади ва у юқори ташкилотга юборилади.

Ишлаб чиқаришда жароҳатланиш сабабларини таҳлил қилишнинг қуйидаги услублари мавжуд:

1. Статистик услуб.
2. Гуруҳий услуб.
3. Топографик услуб.
4. Монографик услуб.
5. Эргономик услуб.
6. Иқтисодий услуб.

Ишлаб чиқаришда содир бўладиган жароҳатланишларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосан тўртта: гуруҳий, топографик, статистик ва монографик методлар орқали олиб борилади.

Гуруҳий метод билан аниқлашда асосан содир бўлган бахтсиз ҳодисалар улар расмийлаштирилган ҳужжатлари орқали маълум бир белгиларига асосланиб, яъни масалан: меҳнат шароитлари, касблари, ёшлари, жинслари, иш стажлари билан ҳамда жароҳатланиш даражалари билан аниқланади. Барча материаллар яхшилаб ўрганилади ва тегишли хулоса чиқарилади ҳамда шунга асосланиб жароҳатланишнинг содир бўлиш сабаблари бартараф этилади, яъни маълум ишчилар группасини

ўқитиш йўли билан меҳнат муҳофазаси тадбирлари бажарилишини назорат қилиш янада ҳам мустаҳкамланади ва бошқа тадбирлар жорий этилади. Бу методга тегишли материаллар йиғиш учун кўпроқ вақт талаб қилинади.

Топографик (график) методда қайси жойда, хонада, иш ўрнида, фаслда ва қаерда кўпроқ бахтсиз ҳодисалар содир бўлган жойларни аниқлашда фойдаланилади. Махсус карта тузиб ўша картада бахтсиз ҳодисалар қайд қилинади ва кўпроқ қайси жойда бахтсиз ҳодисалар содир бўлганлиги аниқланади.

Аниқланган хавфли жойларга диққат эътибор қилиниб, у ерда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун профилактика ишлари олиб борилади. Бу методни бажариш учун ҳам кўп вақт талаб қилинади.

Статистик метод (кўпинча таққослаш, анализ қилиш методи ҳам дейилади) орқали қайси жойда ва қаерда кўпинча оғир бахтсиз ҳодисалар содир бўлганлиги аниқланади. Бу метод асосан кўпинча бахтсиз ҳодисаларни таққослаш, таҳлил қилишга қаратилгандир. Кўпинча статистик метод орқали қуйидагилар аниқланади: ишлаб чиқариш жароҳатланиш-ларининг частота коэффициенти — $K_{\text{ч}}$; оғирлик коэффициенти — $K_{\text{т}}$; умумий кўрсаткичи — $K_{\text{д}}$.

Частота кўрсаткичи ҳар бир 1000 киши учун маълум вақтда неча маротаба жароҳатланиш содир бўлганини кўрсатади.

Жароҳатланишларнинг оғирлик кўрсаткичи жабрланувчининг узок муддатли меҳнат лаёқатсизлигининг ўртача вақтини кўрсатади. У жароҳатланишни ҳисоблайди, лекин ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисаларни ҳисобламайди.

Жароҳатланишларнинг умумий кўрсаткичи ёки вақтини йўқотганлаги ($K_{\text{д}}$ ҳар бир 1000 киши ҳисобига неча ишчи куни йўқотилганлиги билан аниқланади.)

Монографик метод орқали жароҳатланишлар синчковлик билан илмий изланишлар натижасида аниқланади; иш шароити, яъни жомакор, махсус кийимлар, иш жойи, асбоблар, машиналар, механизмлар,

технологик жараёнлар, санитария-гигиена шароитлари ва ҳоказолар ўрганилади. Бу метод натижасида содир бўлган бахтсиз ҳодисаларнинггина эмас, балки уларни келтириб чиқарган сабаблари ҳам аниқланади.

Эргономик метод орқали жароҳатланишларнинг сабабларини ўрганишда асосий эътибор “инсон-машина” тизимининг эргономик параметрларига қаратилади.

Иқтисодий метод орқали жароҳатланишларнинг сабабларини ўрганишда эса асосий эътибор иқтисодий омилларга қаратилади: меҳнат ва техника хавфсизлигини таъминлашга сарфланган маблағ, жароҳатланишлар натижасида кўрилган зарар ва бошқа.

Хулоса ва таклифлар

Ҳозирги кунда иқтисодиётни, шу жумладан сув хўжалигини инновацион ривожлантириш концепцияси тўлиқ шакллантирилмаган. Амалга оширилаётган фундаментал ва амалий тадқиқотлар йўналишлари бўйича илмий тадқиқотларнинг аниқ ва мақсадли йўналишларини белгилаш масаласи долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Агросаноат мажмуасининг энг муҳим таркибий қисмларидан бирини сув хўжалиги тармоғи ташкил этади. Агар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида сув ресурсларининг аҳамияти ва ўрни ҳамда суғориладиган деҳқончиликдаги унинг моҳияти ҳисобга олинса, сув хўжалиги тизимини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги аҳамиятининг беқиёс даражада муҳимлиги намоён бўлади.

Ҳозирда республикаимиз сув хўжалиги тизими учта таркибий тузилмалар, яъни ирригация, мелиорация ва қуйи тизимларни ўз ичига олади. Сув хўжалиги тизимида илмий-техника тараққиётини бошқариш илмий-тадқиқот ва лойиҳа-тадқиқот муассасалари орқали, сув хўжалиги қурилиши ва эксплуатация ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Бунда илмий-техника тараққиёти қатор ўзаро бир-бирига боғлиқ босқичларни илмий ғояларнинг шаклланиши ва инновацияларни ишлаб чиқишдан тортиб, уларни амалда қўллашгача бўлган жараёнларни қамраб олади.

Сув хўжадиги ташкилоти сифатида Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфида 1983,49 км узунликда магистрал ва хўжаликлараро ирригация тизим каналлари мавжуддир. Ички суғориш тармоқларининг узунлиги 20449,58 км бўлиб, 1498 дона сув ўлчаш иншоотлари орқали бирламчи ва иккиламчи сувдан фойдаланувчиларга сув етказиб берилади.

Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг эксплуатация харажатлари 2012 йилда 5130,1 млн. сўмни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 2124,9 млн. сўмга кўпдир.

Суғориш шахобчаси ва иншоотларини ишлатиш ва сақлаш харажатлари эксплуатацион сарфларнинг асосий турини ташкил этади. Улар умумий сарфларнинг 40-50% ини ташкил этади. Суғориш тизимларидаги штат ходимлари сони ҳар 1000 гектар ер майдонига 3-6 кишини ташкил этади.

Сув хўжалиги тизимида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва уларни ривожлантиришда, энг аввало унинг ўзига хос бўлган хусусиятларини инобатга олиш, бозор иқтисодиёти шароитида тармоқда илмий таъминот билан шуғулланув муассасалар, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узлуксиз боғлиқликни таъминлаш, инновацион жараёнларни молиялаштириш манбаларини ривожлантириш, уларни жорий этишни иқтисодий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Сув хўжалиги корхоналарини моддий-техник таъминотини яхшилаш ва илғор технологияларни жалб этишга ажратилган маблағлар етишмайдиган ҳолатларда ҳамда инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда лизинг хизматларидан фойдаланиш муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Истиқболда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида сув хўжалиги корхоналарининг нафақат кредитга лаёқатлилигини аниқлаш, балки уларнинг лойиҳа таҳлиллари ҳамда самарадорлигига ҳам эътиборини қаратиш зарур. Бу эса, инвестицияларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлишини ва молиялаштирувчи муассасаларнинг таваккалчилик даражасини камайишига олиб келади.

Тармоқни модернизациялаш ва уни инновацион ривожланиш босқичига ўтказишда қуйидаги асосий муаммоларни бартараф этиш талаб этилади. Жумладан:

– инновацион фаолият жараёнларидаги таваккалчилик даражасини пасайтирувчи молиявий тизимнинг шаклланмаганлиги;

- замонавий инновацион маҳсулот ва ишланмаларни жорий этиш учун ички ва ташқи бозорлардаги талабнинг етарли даражада ўрганилмаганлиги;
- кўпчилик илмий ва олий таълим муассасаларидаги аграр ва иқтисодчи олимлар томонидан истеъмолчилар ҳамда бозор талабларига мос келмайдиган илмий маҳсулотларнинг таклиф этилаётганлиги;
- самарали инновацион фаолиятни таъминловчи инфратузилмаларнинг етарли даражада шаклланмаганлиги каби масалаларни қайд этиш мумкин.

Сув хўжалиги тизими ва корхоналарини модернизациялаш ҳамда инновацион ривожланиши учун хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар зарурий даражада ривожлантирилмаган. Шу сабабли бизнинг фикримизча, республика сув хўжалиги тизимини инновацион ривожлантирувчи инфратузилмаларни асосан бешта йўналишда ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда улар илмий таъминот, кадрлар таъминоти, технологик таъминот, ахборот-консалтинг хизматлари кўрсатиш ва ушбу жараёнларни молиявий таъминоти билан шуғулланувчи инфратузилмалардан иборат бўлади.

Инновацион ривожлантириш жараёнларини амалга оширишнинг жаҳон тажрибаси шартли равишда учта гуруҳ, яъни “Америка” концепцияси, “Шарқ” концепцияси, “Европа” концепцияларга асосланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, республика сув хўжалигини инновацион ривожлантиришнинг узок муддатга мўлжалланган махсус дастурини асосан “Шарқ” концепциясига асосан ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки ҳозирги вақтда Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасидаги мавжуд қувватлар, техника ва технологияларнинг нафақат физик, балки маънан эскирганлиги ушбу жараёни тез ва қисқа муддатларда бажариш имкониятини чеклайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни. 1993 йил 6 май.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги «Сув ресурсларини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 320-сонли қарори.
4. «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни.
5. «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни.
6. «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги Қонуни.
7. «Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги Қонуни.
8. «Тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестицияларини жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида»ги 1668-сонли қарори.
10. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Тошкент, 2007.
11. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. – Тошкент, Ўзбекистон, 2008. – 23 б.

12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент, 2009.
13. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент, 2010.
14. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлди. - Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.
15. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, НМИУ. - 2013.
16. Умурзоқов Ў.П., Абдурахимов И.Л. Сув хўжалиги менежменти/ Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, I-жилд, 2008, – 608 бет.
17. Умурзоқов Ў.П., Абдурахимов И.Л. Сув хўжалиги менежменти/ Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, II-жилд, 2008, – 469 бет.
18. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Тошкент, 2003.
19. Ғозибеков Д.Ғ., Қоралиев Т.М. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. – Тошкент: Матбаатчи, 1993.
20. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Тошкент, 2011.
21. Султонов А.С., Худойбергандов З.Я., Қўчқорова А.С. Сув хўжалиги иқтисодиёти. – Тошкент, 2007.

22. Худойбергенов З.Я. Сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асослари. – Монография. – Тошкент, 2009.
23. Сув Ўзбекистон келажаги учун муҳим ҳаётий ресурс. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент, 2007.
24. Бобожонов А.М.. Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалиги фанини молиялаштириш йўллари” – Т.: “KURO-PRINT» МЧЖ, 2009 й.
25. Абдуллахонов Р.А. “Сув кимга тегишли?” Ж.: Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2002 й. №3. 19-21-бетлар.
26. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 4-сон. 169-бет.
27. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг статистик маълумотлари.
28. Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг статистик маълумотлари.
29. Интернет сайтлари: www.ref.uz, www.orol.uz, www.climate.uz, www.google.uz, www.stat.uz.